# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТЎПЛАМИ

**22-сон (1146)
2024 йил
май**



***Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:***

***биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;***

***иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;***

***учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;***

***тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;***

***бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.***

## МУНДАРИЖА


*Биринчи бўлим*

167. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг $227^{1}$-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 29 майдаги ЎРҚ–927-сон Қонуни

168. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 30 майдаги ЎРҚ–928-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

169. «Олий ва профессионал таълим ташкилотлари талабалари ва ўқувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 майдаги ПФ–82-сон Фармони

170. «Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 майдаги ПҚ–197-сон қарори

171. «Таркибий ислоҳотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 майдаги ПҚ–198-сон қарори

172. «Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 майдаги ПҚ–199-сон қарори

173. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ–200-сон қарори

174. «Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ–201-сон қарори

175. «Мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 майдаги ПҚ–203-сон қарори


### *Учинчи бўлим*


176. «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 316-сон қарори


### *Бешинчи бўлим*


177. Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 15-maydagi 11-son “Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestridan foydalanishga ruxsat etiladigan shaxslar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyrugʻi *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-mayda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3514)*

178. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 4-apreldagi 4-q/q-son va Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligining 2024-yil 2-apreldagi 3-mh-son “Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qarori *(Oʻzbekiston Respublikasi Adliya*

*vazirligi tomonidan 2024-yil 29-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3515)*

179. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 22 майдаги 17/22-сон “Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-4)*

180. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 17-maydagi 13-son “Davlat ro‘yxatidan o‘tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo‘llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan analoglari mavjud bo‘lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro‘yxatiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i *(O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 29-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3440-1)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 167 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227[1]-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида солиқ тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган талай ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жазоларнинг мутаносиблиги принципи акс эттирилганлиги муносабати билан солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жавобгарликни янада либераллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига фискал ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун қўлланиладиган молиявий санкциялар миқдорлари камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликлар биринчи марта содир этилганда жарима миқдори охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизини, ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганда эса унинг йигирма фоизини ташкил этади.

Ушбу Қонун солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни янада мақбуллаштиришга ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда;

---

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 майда эълон қилинган.

2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар) **227$^{1}$-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фискал белгиларни акс эттириш ёхуд автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари билан жиҳозлаш ёки солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш бўйича қонунчиликда белгиланган талабларни ёки тартибни бузиш, шунингдек товарларни (маҳсулотларни) ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар томонидан идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш —

реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг икки фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик жарима қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг йигирма фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 29 май,
ЎРҚ–927-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 168 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда маъқулланган

Мамлакатимизда фармацевтика ва кимё саноатини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда ривожлантириш ҳамда унга илғор илмий-техника ютуқларини ва инновацияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дори воситаларини ишлаб чиқарувчиларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида мазкур Қонун билан «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда. Шу билан бирга «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ҳамда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини тасдиқлаш ваколатини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юкловчи, шунингдек рецептсиз ёки шифокор рецепти бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборотни уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда ҳамда Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатиш талабини жорий этувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари импорт ўрнини босувчи кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига юридик шахсларга IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни тегишли лицензияларга асосан ишлаб чиқариш ва тайёрлаш ҳуқуқини берувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари тўғрисидаги хабардорлик даражасини оширишга, шунингдек инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳамда кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»**ги 265–I-сонли Қону-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 майда эълон қилинган.

ни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **35-моддасининг биринчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»**ги 415–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январда қабул қилинган ЎРҚ–399-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 1, 1-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 922-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг ўн бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дори воситаларини рецепт билан ва рецептсиз бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини тасдиқлайди»;

2) **12-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дори воситалари (бундан дори воситаларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган дори моддалари (субстанциялар) мустасно)»;

3) **14-модда:**

**биринчи қисмининг:**

**бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**олтинчи**, **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида кўрсатилади. Рецептсиз бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида ва ихтисослаштирилган босма нашрларда ҳам берилиши мумкин.

Рецепт бўйича бериладиган дори воситалари тўғрисидаги ва тиббий буюмлар ҳақидаги ахборот фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун мўлжалланган ихтисослаштирилган босма нашрларда, дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда, шунингдек Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида берилади»;

4) **20-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки рецептсиз амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**-ги 813–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 7, 449-модда, № 10, 597-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 569-модда) **19-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV рўйхат доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган айрим прекурсорларни ушбу Қонунда назарда тутилган мақсадларда ишлаб чиқариш ва тайёрлаш юридик шахслар томонидан уларда муайян прекурсорларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун лицензиялар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжлари доирасида амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 30 май,
ЎРҚ–928-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 169 Олий ва профессионал таълим ташкилотлари талабалари ва ўқувчиларига бюджет маблағлари ҳисобидан таълим кредитини ажратиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида*

Олий ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиётган талаба ва ўқувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий ва профессионал таълим ташкилотларининг талаба ва ўқувчиларига таълим кредитлари (кейинги ўринларда — таълим кредити) ажратишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) олий ва профессионал таълим ташкилотларида таҳсил олиш учун таълим кредитини фақат кундузги таълим шаклида ўқиётган талаба ва ўқувчиларга ажратиш;

б) таълим кредитини:

олий таълим ташкилотларининг биринчи босқич талабалари ҳамда профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун тўлов-контракт суммаси миқдорида;

олий таълим ташкилотларининг иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи «3» дан паст бўлган тақдирда тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида ажратиш («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар фарзандлари бундан мустасно).

2. Белгилансинки:

а) таълим кредити:

олий таълим ташкилотлари талабалари учун — талабалар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» (kontrakt.edu.uz) ахборот тизими ва «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимида мавжуд бўлганда;

профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун — ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 майда эълон қилинган.

«Профессионал таълим жараёнларини бошқариш» (prof.edu.uz) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилади;

б) ўз дастурий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимларига ўз ахборот тизимини интеграция қилиши ёки улардан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024 йил 1 июлга қадар ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар барча олий ва профессионал таълим ташкилотларининг тўлов-контракт шартномаси «kontrakt.edu.uz» ва «prof.edu.uz» ахборот тизимлари орқали шакллантирилишини;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда 2024/2025 ўқув йили бошлангунга қадар таълим кредитини олиш учун аризаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг «Таълим кредити» ахборот тизими (ta'lim-krediti.mf.uz) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш имконияти яратилишини;

«Таълим кредити» ахборот тизими Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 27 май,
ПФ–82-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 27 майдаги
ПФ–82-сон Фармонига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–87-сон Фармони 3-бандининг «а» кичик банди биринчи хатбошисидаги «, шу жумладан сиртқи ва кечки» сўзлари «кундузги» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5203-сон қарорида:

а) номланиши ва муқаддимадан «, ўрта махсус» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-банднинг биринчи хатбошисида:

«2021/2022» рақамлари «2024/2025» рақамлари билан алмаштирилсин;

«, ўрта махсус» ҳамда «, сиртқи ва кечки» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) қуйидаги мазмундаги $1^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$1^1$. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра таълим кредити 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим ташкилотларининг биринчи босқич талабалари ҳамда профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун тўлов-контракт суммаси миқдорида ажратилади;

б) олий таълим ташкилотларининг иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (grade point average):

«3» дан паст бўлган тақдирда, тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида ажратилади, бунда кредит тўлов-контракт суммасининг дастлабки 20 фоизи талаба томонидан тўлангандан кейин ажратилади;

«3» ва ундан юқори бўлган тақдирда ва (ёки) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилаларнинг таълим олаётган аъзолари учун таълим кредити тўлов-контракт суммаси миқдорида ажратилади.

Бунда:

а) жорий ўқув йили учун таълим кредитини олмоқчи бўлган талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи (grade point average) аввалги ўқув йили якуни бўйича «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимидан олинади;

б) талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи (grade point average) ва тегишли маълумотлари «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимида, тўлов-контракт тўғрисидаги маълумотлари эса «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисо-

бини юритиш» (kontrakt.edu.uz) ахборот тизими орқали автоматик тарзда шакллантирилади;

в) нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари талабаларининг тўлов-контракт тўғрисидаги маълумотлари уларнинг ўз ахборот тизимларини «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» (kontrakt.edu.uz) ахборот тизимига интеграция қилиш ёки мазкур ахборот тизимидан фойдаланиш орқали шакллантирилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 июлдаги «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–323-сон қарорида:

а) номланишидан «, ўрта махсус» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-банднинг биринчи хатбошисидан «, ўрта махсус» ҳамда «, сиртқи ва кечки» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) қуйидаги мазмундаги $1^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$1^1$. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб таълим кредити иккинчи ва ундан юқори босқич талабалари учун фанларни ўзлаштиришнинг ўртача кўрсаткичи (grade point average):

«3» дан паст бўлган тақдирда, тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдорида ажратилади, бунда кредит тўлов-контракт суммасининг дастлабки 20 фоизи талаба томонидан тўлангандан кейин ажратилади;

«3» ва ундан юқори бўлган тақдирда ва (ёки) «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилаларнинг таълим олаётган аъзолари учун таълим кредити тўлов-контракт суммаси миқдорида ажратилади.

Бунда:

а) жорий ўқув йили учун таълим кредитини олмоқчи бўлган талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи (grade point average) аввалги ўқув йили якуни бўйича «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимидан олинади;

б) талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи (grade point average) ва тегишли маълумотлари «Олий таълим жараёнларини бошқариш» (HEMIS) ахборот тизимида, тўлов-контракт тўғрисидаги маълумотлари эса «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» (kontrakt.edu.uz) ахборот тизими орқали автоматик тарзда шакллантирилади;

в) нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари талабаларининг тўлов-контракт тўғрисидаги маълумотлари уларнинг ўз ахборот тизимларини «Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш» (kontrakt.edu.uz) ахборот тизимига интеграция қилиш ёки мазкур ахборот тизимидан фойдаланиш орқали шакллантирилади»;

г) 3-банддан «, ўрта махсус» сўзлари чиқариб ташлансин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 170 Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Юқори малакали спорт кадрларини замон талабларидан келиб чиқиб мутлақо янги шароитларда тайёрлаш, янги авлод спортчилари ва тренерларини етиштириш орқали спортдаги ютуқларимизни янада кенгайтириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш мақсадида:

1. Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг Спорт вазирлиги ҳузуридаги Олий спорт маҳорати институти негизида Ўзбекистон давлат спорт академияси (кейинги ўринларда — Академия)ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Амалдаги юридик шахс мақоми ҳамда молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда қуйидагилар 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Академия ҳузурига ўтказилсин:

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда унинг тегишли филиаллари.

3. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

спорт соҳасида натижалари юқори бўлган давлатларнинг етакчи олий спорт-таълим ташкилотлари тажрибаси асосида замонавий кадрларни тайёрлаш;

кадрларни тайёрлаш жараёнига хорижий тажрибаларни қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш ҳамда илмий асосланган методикаларини яратиш;

спорт соҳасида комплекс илмий тадқиқотлар, экспериментлар ҳамда лаборатор синовлар ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий ўқитиш механизмларини жорий этиш;

республикада спорт соҳасида замонавий назария ва амалиёт тизимини жорий қилиш усуллари ҳамда хусусиятларини ўрганиш орқали юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаб бориш;

мусобақалар натижаларини чуқур илмий ёндашув асосида таҳлил қилиб бориш, улар натижасида спортдаги ютуқларни янада кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат спорт академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 29 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон давлат спорт академиясида ташкил этиладиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Академияда ўқув жараёни 2025/2026 ўқув йилидан бошланади;

Академия Тошкент шаҳри, Яшнобод туманида барпо этилаётган Олимпия шаҳарчасига жойлаштирилади;

Академия давлат олий таълим муассасаси шаклидаги юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Спорт вазирлигига ҳисобдордир;

Академияга талабаларни қабул қилиш параметрлари Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида белгиланади;

Академия талабаларининг контингенти, биринчи навбатда, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида ривожлантирилаётган спорт турлари бўйича сўнгги бир йилда Жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган олимпия ва паралимпия коллежлари, шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари орасидан уларнинг спорт натижаларига қараб, саралаш (селекция) асосида шакллантирилади.

Бунда, Олимпия ва паралимпия коллежларидан саралаб олинган битирувчилар Академияга тўғридан-тўғри иккинчи босқичга қабул қилинади;

Академия битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган давлат намунасидаги диплом берилади;

Академия талабалари спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ ўтказиладиган республика мусобақаларида тўғридан-тўғри иштирок этади;

Академияда спорт турлари бўйича таҳсил олаётган талабаларни яшаш учун зарурий жиҳозлар ҳамда суткалик озиқ-овқат нормаси билан таъминлашда олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари нормативлари татбиқ этилади;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти директори Академия ректорининг тавсиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси спорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бунда, Академия ректори Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятини ривожлантириш бўйича кузатув кенгаши тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

6. Академияга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Академиянинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура му-

---

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тахассисликлари учун малака талабларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш;

илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида спорт таълими жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бакалавриат таълим йўналишларини белгилаш, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда уларнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

Спорт вазирлиги билан биргаликда Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан хорижий мутахассисларни, шу жумладан, маҳаллий юқори малакали профессор-ўқитувчиларни, терма жамоа тренерларини жалб қилиш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган тартибда белгилаш;

чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун миллий валютада бориш-келиш авиачипталарини (узоқ муддатли меҳнат шартномалари тузилганда бир йилда кўпи билан икки марта) харид қилиш ва меҳмонхонада яшаш харажатларини тўлаш;

спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битимлар, шартномалар тузиш;

7. Белгилансинки:

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда илмий фаолиятини ривожлантириш бўйича кузатув кенгашига, зарур ҳолларда, Академия тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади;

Академия битирувчиларига тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун малака сертификати, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри 6 йилга берилади;

Академияни тамомлаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Миллий кадрлар захирасига, уч йиллик иш стажига эга бўлгандан кейин — мутахассислиги бўйича раҳбарлик лавозимларига тайинланадиган истиқболли номзодлар рўйхатига киритилади.

8. Спорт вазирлиги (А. Икрамов) 2025/2026 ўқув йилига қадар:

Академиянинг уставини ишлаб чиқиб тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Академиянинг факультетлари ва кафедралари шакллантирилишини, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида замонавий билимларга ҳамда таълим тизимида илмий-амалий иш тажрибасига эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ Академия тузилмаси тасдиқланишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2025 йилдан бошлаб Академия фаолиятини мо-

лиялаштириш билан боғлиқ барча харажатлар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

10. Спорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг Академия тизимида давлат муассасаси шаклидаги Давлат спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Давлат спорт тиббиёти илмий-амалий маркази спорт тиббиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларини тиббий жиҳатдан мусобақаларга тайёрлашни ташкил қилувчи давлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади.

Спорт вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2025/2026 ўқув йилига қадар Давлат спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил қилиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, спортчиларга хорижий тиллар ва Ўзбекистон тарихини чуқурлаштирилган ҳолда ўргатиш мақсадида Академия тузилмасида Ахборот-кутубхона марказини ўз ичига олувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистон тарихи ва хорижий тилларни ўқитиш маркази ташкил этилади.

12. Инновацион ривожланиш агентлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг долзарб йўналишларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари учун белгиланган тартибда давлат буюртмасини шакллантирсин ва ҳар йили илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида танлов эълон қилиб борсин.

13. Қуйидагилар Академия фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги «Олий спорт маҳорати институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–269-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 28 май,
ПҚ–197-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 171 Таркибий ислоҳотларни амалга оширишда экспертлик кўмаги самарадорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида кенг кўламли таркибий ислоҳотларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий экспертлар кўмагининг мувофиқлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат органлари ва ташкилотлари таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун малакали хорижий консультант ва экспертларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини ҳамда консалтинг компанияларини (кейинги ўринларда — хорижий консультант ва экспертлар) ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан жалб этиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — буюртмачи ташкилот) томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган этиб Стратегик ислоҳотлар агентлиги белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) хорижий консультант ва экспертлар улар билан буюртмачи ташкилот ҳамда Стратегик ислоҳотлар агентлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида жалб қилинади. Бунда:

хорижий консультант ва экспертлар билан шартнома бир йилгача бўлган муддатга тузилади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

шартномада хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (техник топшириқ шаклида) ҳамда эришиладиган индивидуал мақсадли кўрсаткичлар (KPI) акс эттирилади;

буюртмачи ташкилот ҳар ой хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатнома тузади. Бунда хорижий консультант ва экспертлар томонидан жами амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида якуний далолатнома Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади;

б) хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги асосий талабларга мувофиқ бўлиши лозим:

иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқа аҳамиятга эга бўлган йўналишларни ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмаларга эга бўлиши;

нуфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларида иш тажрибасига эга бўлиши;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 майда эълон қилинган.

хорижий тилларни (инглиз, рус ва бошқалар) зарур даражада билиши.

Бунда буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин;

в) буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш қонунчиликда белгиланган харид қилиш тартиб-таомилларига мувофиқ амалга оширилади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислоҳотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-109-сон қарорида белгиланган чора-тадбирлар режасини амалга оширишга жалб қилинаётган хорижий консультант ва экспертлар бундан мустасно;

г) хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳар ойда буюртмачи ташкилот томонидан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва ўзининг расмий веб-сайтида ёритиб борилади, улар иштирокида жорий масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишнинг мақбул йўлларини аниқлаш учун мунтазам равишда учрашувлар ташкил қилинади ҳамда тегишли таклифлар тайёрланади;

д) хорижий консультант ва экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

4. Стратегик ислоҳотлар агентлиги (Б. Рахматов):

Ҳисоб палатаси (А. Бобоев) билан биргаликда бир ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари билан хорижий консультант ва экспертлар ўртасида тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқсин, уларни мазкур қарор талабларига асосан ўзгартириш (бекор қилиш) бўйича таклиф киритсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар хорижий консультант ва экспертларнинг ягона электрон реестрини шакллантирсин ва унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминласин;

икки ҳафта муддатда хорижий консультант ва экспертлар билан янги тартибда тузиладиган шартноманинг намунасини ишлаб чиқсин ҳамда вазирлик ва идораларга тақдим қилсин;

мазкур қарор талаблари юзасидан вазирлик ва идораларга мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб борсин.

5. Таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш тегишли ташкилотларнинг қоида ва талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 29 май,
ПҚ–198-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 29 майдаги
ПҚ–198-сон қарорига
ИЛОВА

## Таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ва ташкилотларига таркибий ислоҳотларни самарали амалга ошириш учун ўз маблағлари ёки бюджет маблағлари ҳисобидан хорижий консультант ва экспертлар, халқаро ташкилотлар, халқаро молиявий институтлар ҳамда консалтинг компанияларни (кейинги ўринларда — хорижий консультант ва экспертлар) жалб этиш; уларнинг фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини (KPI) белгилаш ва тизимли мониторингини юритиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат давлат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш тегишли ташкилотларнинг қоида ва талабларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи ташкилот** — хорижий консультант ва экспертларни жалб қиладиган ва фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларини (KPI) ҳамда моддий рағбатлантириш миқдорини белгилайдиган, республика ҳудудида бошқа зарур шарт-шароитларни яратиб берадиган ҳамда улар фаолиятининг узлуксизлигини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикасидаги давлат органи ва/ёки ташкилоти;

**далолатнома** — шартнома шартларида белгиланган вазифаларнинг хорижий консультант ва экспертлар томонидан виждонан, ўз вақтида ва сифатли бажарилганлигини тасдиқловчи, хорижий консультант ва эксперт ҳамда буюртмачи ташкилот томонидан имзоланадиган ҳужжат;

**хорижий консультант ва экспертлар** — халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат давлат молия ташкилотлари, етакчи хорижий консалтинг компаниялари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, таҳлил марказлари ва «ақл марказлари» ҳамда замонавий билим ва зарур профессионал тажрибага эга бўлган хорижий давлатлар фуқаролари ва/ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар;

**шартнома** — хорижий консультант ва экспертлар ҳамда буюртмачи ташкилот томонидан мазкур хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги, компетенцияларига оид талаблар, уларнинг вазифалари, талаб қилинадиган хизматлар рўйхати, кутилаётган натижалар, хизматларни молиялаштириш манбалари ва ҳажми, хизматларни сотиб олишнинг режалаштирилган тартиб-таомиллари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар таҳлили асосида тайёрланадиган ҳамда хорижий консультант ва экспертлар, буюртмачи ташкилот ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги (кейинги ўринларда — Стратегик ислоҳотлар агентлиги) ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома;

**зарур шарт-шароитлар** — буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартномада белгиланган муддат давомида уларга кўрсатиладиган тиббий ҳамда транспорт хизматлари, фарзандларининг мактабгача таълим муассасаларида тарбияланиши, умумий ўрта таълим ва/ёки олий таълим муассасасида таҳсил олиши, уй-жой ижараси харажатларининг тўлиқ ёки бир қисми қоплаб берилиши (ижтимоий пакет);

**Стратегик ислоҳотлар агентлиги** — давлат органлари ва ташкилотлари томонидан хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш жараёнини мувофиқлаштирувчи орган.

## 2-боб. Хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш тартиби

4. Буюртмачи ташкилот хорижий консультант ва экспертларни тўлиқ ставкада ёки маълум бир лойиҳани бажариш муддатига белгиланган ходимлар сони доирасида ёки қўшимча равишда жалб этади.

5. Хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартнома бир йилгача бўлган муддатга тузилади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. Бунда шартномада хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар (техник топшириқ шаклида) ҳамда эришиладиган индивидуал мақсадли кўрсаткичлар (KPI) (кейинги ўринларда — KPI) акс эттирилади.

6. Буюртмачи ташкилот ҳар ой хорижий консультант ва экспертлар томонидан амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида далолатнома тузади. Бунда хорижий консультант ва экспертлар томонидан жами амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида якуний далолатнома Стратегик ислоҳотлар агентлиги билан келишилган ҳолда имзоланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ хорижий

консультант ва экспертларнинг меҳнатига тўланадиган ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловларидан белгиланган тартибда ажратмалар ва солиқлар тўлаб борилади.

8. Хорижий консультант ва экспертларни моддий рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш буюртмачи ташкилот томонидан амалга оширилади.

9. Хорижий консультант ва экспертларни давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 3-боб. Хорижий консультант ва экспертларга қўйиладиган талаблар

10. Қуйидагилар хорижий консультант ва экспертларга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

а) хорижий тилларни (инглиз, рус ва бошқалар) зарур даражада билиш;

б) ижтимоий соҳа, иқтисодиёт ва бошқа аҳамиятга эга бўлган йўналишларни ислоҳ қилиш бўйича билим, малака ва зарур кўникмаларга эга бўлиш;

в) нуфузли халқаро ташкилотлар ёки хорижий давлатларнинг илғор корхона ва ташкилотларида иш тажрибасига эга бўлиш.

Буюртмачи ташкилот хорижий консультант ва экспертларга нисбатан қўшимча талаблар ҳам қўйиши мумкин.

## 4-боб. Хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш манбалари ва уларни моддий рағбатлантириш

11. Хорижий консультант ва экспертларни моддий рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари;

вазирлик, идора ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари;

бошқа халқаро ташкилот ва халқаро молия институтларининг маблағлари, яъни грантлар ҳамда беғараз техник кўмаклар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Хорижий консультант ва экспертлар учун ажратиладиган маблағларнинг даромад ва харажатлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида юритилади.

13. Хорижий консультант ва экспертларни лойиҳага жалб қилишнинг

мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш учун буюртмачи ташкилот Стратегик ислоҳотлар агентлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) буюртмачи ташкилот биринчи раҳбарининг хулосаси;

б)таржимаи ҳол (CV-маълумотнома), маълумотнома ва амалиёт портфолиоси;

в) дипломлар ва бошқа тегишли сертификатларининг нусхаси;

г) ўтган йилларда бажарилган ва амалга оширилаётган лойиҳага тааллуқли ишлар ва лойиҳалар ҳақида маълумот;

д) хорижий консультант ва экспертлар жалб этилган лойиҳани амалга ошириш режаси ёки тўлиқ ставкада жалб этилса, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар (шу жумладан, кутилаётган натижаларнинг Ўзбекистон Республикасини стратегик ривожлантириш дастурлари ҳамда мақсадларига таъсирининг таҳлили);

е) олдинги иш жойи раҳбариятидан ёки лойиҳа ташаббускоридан тавсиянома;

ж) буюртмачи ташкилот томонидан хорижий консультант ва экспертларни ишга жалб этиш юзасидан белгиланган тартибда рухсат этилганлиги тўғрисида расмий ҳужжатларнинг нусхалари.

14. KPIни белгилаш ва баҳолаш жараёни уч босқичда амалга оширилади ва бунда буюртмачи ташкилот томонидан қуйидагилар инобатга олинади:

а) 1-босқич. Кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш:

лойиҳага жалб этилган хорижий консультант ва экспертлар фаолияти ҳар ойлик вазифаларининг аниқ рўйхати ишлаб чиқилади;

тегишли соҳа ёки лойиҳанинг стратегик мақсадларини шартнома амал қилиш муддати давомида ўлчаш мумкин бўлган аниқ кўрсаткичлар (шу жумладан, буюртмачи ташкилот ходимларини «коучинг» қилиш) белгиланади;

белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда стратегик мақсадларга эришиш учун зарур молиявий, техник ва инсон ресурслари ҳисоб-китобларининг (кейинги ўринларда — зарур ресурслар) буюртмачи ташкилот имкониятларига мослиги асослантирилади;

б) 2-босқич. Мунтазам кўмак ва мониторинг:

буюртмачи ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан ҳар ой камида бир марта хорижий консультант ва эксперт (ёки унинг вакили) билан юзма-юз суҳбат ўтказиш орқали:

хорижий консультант ва экспертнинг зарур ресурслар билан таъминланганлик ҳолати бўйича мунтазам мониторинг олиб борилади;

1-босқичда белгиланган ойлик вазифаларга ва стратегик мақсадларга кўзда тутилмаган қўшимча ўзгартиришларнинг KPIга таъсири таҳлил қилинади;

бюрократик ёки бошқа сабаблар туфайли юзага келган вазиятлар тезкорлик билан ҳал этилади;

в) 3-босқич. Баҳолаш:

хорижий консультант ва экспертлар томонидан 1-босқичда белгиланган вазифалар ва стратегик мақсадларга эришиш бўйича режаларнинг ижроси ҳамда KPIга эришиш ҳисоботи ҳар чоракда тақдим этилади;

ҳисобот буюртмачи ташкилот томонидан аниқ натижаларга таянган ҳолда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади, яъни самарадорликнинг йиғма кўрсаткичи:

50 фоиздан кам бўлса — қониқарсиз. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертлар билан тузилган шартнома бекор қилинади;

50 фоиздан 70 фоизгача бўлса — паст даража. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертлардан кўрсаткичларини яхшилаш учун аниқ режалар талаб қилинади ва бунинг учун уч ой муддат берилади;

70 фоиздан 85 фоизгача бўлса — ўрта даража. Бундай ҳолда хорижий консультант ва экспертларнинг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур ресурслар қайта кўриб чиқилади;

85 фоиздан 100 фоизгача бўлса — юқори даража. Бунда хорижий консультант ва экспертларни рағбатлантириш учун буюртмачи ташкилот томонидан таклиф киритилиши мумкин.

Буюртмачи ташкилот томонидан ҳар чоракда хорижий консультант ва экспертларни баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботни Стратегикислоҳотлар агентлигига тақдим этилади. Мазкур ҳисобот хорижий консультант ва экспертнинг шахсий йиғмажилдида умумлаштириб борилади.

15. Хорижий консультант ва экспертлар моддий рағбатлантириш миқдори ҳар йили аниқ иш ҳажмига қараб, буюртмачи ташкилот томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## 5-боб. Буюртмачи ташкилотнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Буюртмачи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хорижий консультант ва экспертларни жалб қилиш;

хорижий консультант ва экспертларни моддий рағбатлантириш миқдорини белгилаш ва уни қайта кўриб чиқиш, мониторинг натижалари бўйича хорижий консультант ва экспертларни лойиҳани амалга оширишга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

хорижий консультант ва экспертлар учун аниқ кўрсаткичлар ва мақсадларни, шу жумладан, KPIни белгилаш;

хорижий консультант ва экспертларнинг меҳнат фаолиятини доимий кузатиб бориш.

17. Буюртмачи ташкилот қуйидаги мажбуриятларга эга:

шартномада белгиланган қоидаларга риоя этиш;

хорижий консультант ва экспертларга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур ресурслар ва шарт-шароитларни яратиш;

ҳар ойда хорижий консультант ва экспертлар томонидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумотларни ягона электрон реестрига киритиш ва уни мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлаш.

18. Буюртмачи ташкилот томонидан шартномада белгиланган моддий рағбатлантириш тўловларидан ташқари бошқа ҳар қандай тўловлар амалга оширишга йўл қўйилмайди.

## 6-боб. Хорижий консультант ва экспертларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

19. Хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун буюртмачи ташкилотдан зарур шарт-шароитлар яратиб беришини талаб қилиш;

ўзларига юкланган вазифаларни бажариш учун буюртмачи ташкилотдан зарур маълумотларни олиш.

20. Хорижий консультант ва экспертлар қуйидаги мажбуриятларга эга:

шартномада кўзда тутилган барча мажбуриятларни шартнома шартлари ва муддатларига мувофиқ виждонан ва самарали бажариш;

ҳар ойда буюртмачи ташкилотга ҳисоботларни тақдим этиш;

шартнома шартларига тўлиқ риоя қилиш.

## 7-боб. Конфиденциаллик

21. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида ва у бекор қилинганидан сўнг хорижий консультант ва экспертлар ўз фаолияти давомида олган маълумотларга, шу жумладан, буюртмачи ташкилотдан ёки бошқа идоралардан олган маълумотларга нисбатан конфиденциалликни сақлашга мажбурдир.

Хорижий консультант ва экспертлар тўғридан-тўғри ёки билвосита буюртмачи ташкилот ва Стратегик ислоҳотлар агентлигининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга бундай маълумотларни ошкор қилишига йўл қўйилмайди.

## 8-боб. Якунловчи қоидалар

22. Шартнома имзолангандан сўнг хорижий консультант ва экспертлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олиши лозим.

23. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 172 Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва тиклаш, мактаб таътиллари даврида уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023 йилнинг ёз мавсумида жами 196 та стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилиб, 158 минг нафар болалар соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари сони аҳолининг ўсиш даражасига мутаносиб тарзда ошиб бориши таъминланмаган. Жумладан, мамлакатимизда болалар сони 1991 йилга нисбатан 71 фоизга ошган бўлса-да, уларни соғломлаштириш оромгоҳлари сони икки бараварга қисқарган.

Ўтган 3 йил мобайнида фаолият юритмаётган ёки самарасиз ишлаётган болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш учун 80 та стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилди.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари билан қамраб олиш даражасини ошириш, мактаб таътиллари даврида бўш пайтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг (кейинги ўринларда — Федерация) қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) тадбиркорлик субъектлари ва хўжалик юритувчи субъектларни (кейинги ўринларда — ҳамкорлар) жалб этган ҳолда 1-иловага** мувофиқ стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари (кейинги ўринларда — оромгоҳлар) негизида қуйидаги механизмлар орқали ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш:

оромгоҳлар ҳудудининг бир қисмида янги биноларни қуриш ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш шарти билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва (ёки) ер участкаларининг бир қисмини 15 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш;

оромгоҳлар ҳудудида янги биноларни қуриш ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш шарти билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва (ёки) ер участкаларини ёзги мавсумдан ташқари пайтда фойдаланиш учун 10 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш. Бунда Федерация оромгоҳ бинолари ва ер участкасидан ёзги мавсум пайтида оромгоҳлар ташкил этиш учун фойдаланади;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 майда эълон қилинган.
** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оромгоҳлар ҳудудида янги биноларни қуриш ёки мавжуд биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек, ёзги мавсум пайтида оромгоҳлар ташкил этиш шарти билан оромгоҳлар бино-иншоотлари ва (ёки) ер участкаларини 10 йилгача муддатга ҳамкорларга ижарага бериш;

б) 2-иловага* мувофиқ оромгоҳларнинг бино-иншоотлари ва (ёки) ер участкаларини ёзги мавсумдан ташқари пайтда ҳамкорларга ижарага бериш орқали уларни ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш.

2. Қуйидагилар:

Федерация томонидан 3-иловада* кўрсатилган оромгоҳлар Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилаётганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Нукус шаҳрида жойлашган «Турон» оромгоҳини реконструкция қилиш ташаббусини билдирганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Федерация томонидан 3-иловада кўрсатилган объектларни қуриш уларни лойиҳалаштириш билан бир пайтда амалга оширилаётган бўлса, қурилиш ишлари тўхтатилади, лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ шакллантирилиб, ўрнатилган тартибда экспертиза хулосаси олинади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги 3-иловада назарда тутилган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ташкил этсин.

4. Белгилансинки:

а) оромгоҳларда бино-иншоотларни қуриш бўйича лойиҳалар Федерация томонидан ишлаб чиқиладиган шартлар асосида тайёрланади ҳамда мазкур лойиҳалар Федерация билан келишилади;

б) мазкур қарорнинг 1-банди «а» кичик бандида назарда тутилган ҳамкорлик лойиҳалари Федерация томонидан ишлаб чиқиладиган шартлар асосида ҳамкорларга «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали таклиф этилади.

Бунда ижара шартномаси бўйича энг юқори нарх таклиф этган ҳамкор билан ижара шартномаси тузилади ҳамда қуриладиган барча бино-иншоотлар Федерация мулки сифатида расмийлаштирилади ва белгиланган тартибда ҳамкор томонидан фойдаланилади.

Ҳамкорлар ижарага олинган оромгоҳнинг бино-иншоотлари, мол-мулки ва ер участкасига ўзгартириш киритмаган ва зарар етказмаган тарзда қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин;

в) ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун «E-auksion» электрон савдо платформасига жойлаштирилган оромгоҳлар бўйича 3 ой муддатда ҳамкорлар аниқланмаган тақдирда, ижара шартлари қайта кўриб чиқилиб, оромгоҳлар қайта савдога чиқарилади ҳамда яна 3 ой муддатдан сўнг тадбиркорлар томонидан қизиқиш билдирилмаган оромгоҳлар Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ёки бошқа манбалар ҳисобидан босқичма-босқич қурилади ва таъмирланади.

---

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Федерация тизимидаги тегишли оромгоҳларни «E-auksion» электрон савдо платформасига жойлаштириш ва ҳамкорларни аниқлаш бўйича Федерацияга кўмаклашиб борсин.

5. Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармасига:

а) 2024-2025 йилларда республика бюджетидан жами 425 миллиард сўм йўналтирилсин. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда 4-иловага* мувофиқ бюджет харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига 175 миллиард сўм ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар ҳисобидан 50 миллиард сўм, шунингдек республика бюджетидан 2025 йилда 200 миллиард сўм ажратсин;

б) 2024-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари жами 210 миллиард сўм, жумладан, 2024 йил 1 ноябрга қадар 105 миллиард сўм ҳамда 2025 йил 1 сентябрга қадар 105 миллиард сўм маблағлар 5-иловага* мувофиқ маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

6. Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармасига ушбу қарорнинг 5-бандида назарда тутилган тартибда ажратилган маблағлар қуйидагилар учун йўналтирилиши белгилаб қўйилсин:

мазкур қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган оромгоҳларни қуриш;

Федерация тизимидаги оромгоҳларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир йўлланма нархининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда оромгоҳларга компенсация тўлаш;

Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ва Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини шакллантириш, биноларни сақлаш, ходимларига ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш.

7. Солиқ қўмитаси Федерация билан биргаликда бир ой муддатда 2027 йил 1 январга қадар Федерация тизимидаги оромгоҳларнинг:

бино-иншоотлари ва ер участкаларини ижарага беришдан олинадиган даромадлари фойда солиғидан;

ижарага берилган объектлари ва улар эгаллаган ер участкалари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан озод этилишини назарда тутувчи Солиқ кодексига қўшимча киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Федерация:

икки ҳафта муддатда оромгоҳларнинг қурилиш қийматини пасайтириш ва келгусида улардан фойдаланишда харажатларни камайтиришни таъмин-

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ловчи идоравий қурилиш нормалари ва қоидалари ишлаб чиқилишини таъминласин;

бир ой муддатда оромгоҳларни қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиб, Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин.

Бунда намунавий лойиҳалар ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда янгича ёндашувлар асосида энергия тежамкорликни таъминлашга, замонавий дизайн, иситиш тизими мавжуд бўлиши ҳамда бинолар иссиқлигини бир хилда ушлашга, шу жумладан деразa ва ромлар, пол қопламаси иссиқликни чиқариб юбормаслиги ва бошқа замонавий талабларга алоҳида эътибор қаратилсин.

Шунингдек, қурилиш материаллари ҳамда бошқа жиҳоз ва анжомларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари мавжуд бўлган ҳолда ушбу маҳсулотларнинг хорижда ишлаб чиқарилганларини сотиб олишга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. Федерация, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ тугатиш комиссияси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Қайнар маҳалласида жойлашган «Кимёгар» оромгоҳини баҳоланган қийматда «Қашқадарё агрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликларини камайтириш ҳисобига Федерацияга мулк ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. «Сижжак» дам олиш оромгоҳи Федерацияга мулк ҳуқуқи асосида берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

«Сижжак» дам олиш оромгоҳининг Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган барча мол-мулклари Федерацияга мулк ҳуқуқи асосида ўтказиб берилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Андижон ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги икки ой муддатда 6-иловадаги* оромгоҳларнинг фаолияти учун зарур бўлган ер участкаларини табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича таклифларни Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига ўрнатилган тартибда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 ноябрдаги «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–427-сон қарори 1-банди «б» кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фарзандлари дам олиши ва уларни соғломлаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир йўлланма нархининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда оромгоҳларга компенсация тўлаш».

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 29 май,
ПҚ–199-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 173 Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тадбиркорларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш, тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича ҳар йили ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини (кейинги ўринларда — очиқ мулоқот) юқори савияда ташкил қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 1-иловага** мувофиқ таркибда;

ҳудудларда тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ҳудудий ишчи гуруҳлар) 2-иловага** мувофиқ намунавий таркибда тузилсин.

2. Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

очиқ мулоқотни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни тезкор ва сифатли амалга ошириш, бу борада эксперт гуруҳлари, ҳудудий ишчи гуруҳлар, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тадбиркорлар мурожаатлари ва таклифларини туну кун қабул қилиш ва умумлаштириш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, тадбиркорларнинг алоҳида масалаларини жойларда тезкорлик билан ҳал қилишни ташкил этиш;

ҳудудларда тадбиркорлар билан мулоқот ҳафталикларини ташкил этиш, очиқ мулоқотни ўтказиш жойи ва муддати бўйича таклифлар ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш ҳамда Тадбиркорлар кунини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.

3. Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев):

а) ҳар йили 15 июнга қадар:

очиқ мулоқот доирасида тадбиркорлар мурожаатларини туну кун қабул қилиш ва умумлаштириш бўйича масъул вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат Республика штаби, шунингдек, ҳудудий ишчи гуруҳлар ва 3-иловага** мувофиқ йўналишлар бўйича эксперт гуруҳларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда — Жамоатчилик кенгаши), вазирлик ва идоралар раҳбарлари, салоҳиятли инвес-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 майда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тор ва тадбиркорлар иштирокида матбуот анжуманлари, давра суҳбатлари, мулоқот ҳафталикларини ташкил қилиш, инфографика ва видеороликлар тайёрлаш бўйича медиарежани тасдиқласин;

б) ҳар йили 15 июлга қадар очиқ мулоқот ўтказиш жойи, муддати ва амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Савдо-саноат палатаси медиарежага асосан очиқ мулоқот доирасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ҳар йили 15 июндан бошлаб очиқ мулоқот ўтказилгунга қадар:

а) Республика штаби (Д. Ваҳобов):

махсус электрон платформалар, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Call-марказ хизмати, ижтимоий тармоқлар ва сайёр қабуллар орқали тадбиркорларнинг мурожаатлари туну кун қабул қилинишини ташкил этади;

ҳар куни тадбиркорлар мурожаатларини эксперт гуруҳлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларга юборади ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги йиғма маълумотларни Республика комиссиясига тақдим этиб боради;

ҳар ҳафта тадбиркорлар мурожаатлари асосида аниқланган тизимли муаммоларни Жамоатчилик кенгашида муҳокама қилиб, уларнинг ечимлари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Республика комиссиясига киритиб боради;

б) эксперт гуруҳлари тадбиркорлар мурожаатлари асосида аниқланган тизимли муаммоларни таҳлил қилиб, ҳар ҳафта уларнинг ечими бўйича таклифларни Республика штабига киритиб боради;

в) ҳудудий ишчи гуруҳлар:

ҳар куни тадбиркорлардан келиб тушган индивидуал хусусиятга эга масалалар жойида ҳал қилинишини таъминлайди;

ҳар ҳафта бириктирилган ҳудуднинг ҳар бир тумани (шаҳри)га чиққан ҳолда, тадбиркорлар билан сайёр қабуллар ташкил этади, аниқланган тизимли муаммолар ва уларнинг ечими бўйича таклифларни Республика штабига киритиб боради.

Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев) Республика штаби, эксперт гуруҳлари ва ҳудудий ишчи гуруҳлар ишига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов):

а) Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда очиқ мулоқот доирасида мурожаатларни қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек, очиқ мулоқот натижалари, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини жойлаштириб бориш имконини берувчи «Тадбиркорлар билан

очиқ мулоқот» электрон платформасини (кейинги ўринларда — электрон платформа) ишга туширсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ҳар йили 15 июнга қадар Республика штаби, эксперт гуруҳлари ва ҳудудий ишчи гуруҳларни жойлаштириш ва уларни зарур моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш масаласини ҳал қилсин;

ҳар йили 1 августга қадар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишонига бизнесдаги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан намуна бўлаётган тадбиркорлар орасидан номзодлар рўйхатини ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга киритсин.

6. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов) Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) билан биргаликда бир ой муддатда электрон платформага «Тадбиркор виртуал офиси» ахборот порталини интеграция қилсин, мунтазам равишда очиқ мулоқот доирасида келиб тушган мурожаатлар ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини назорат қилсин ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича таъсирчан чоралар кўриб борсин.

7. Республика комиссияси (Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев) ҳар йили очиқ мулоқот ўтказилгандан сўнг уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотини ташкил қилиш схемаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2024 йилдаги очиқ мулоқоти Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

10. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикасида 2024 йил август ойида халқаро бизнес форум ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчилари билан ҳамкорликда салоҳиятли инвесторларни жалб этиб, келишувлар амалга оширилишини таъминласин;

жорий йил якунига қадар Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчилари билан ҳамкорликда «Қорақалпоғистонда бизнес қилинг» дастури доирасида йирик хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар брендларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг 2024 йилда очиқ мулоқот ва халқаро бизнес форумни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг асослантирилган ҳисоб-китоблари асосида Савдога кўмаклашиш жамғармаси, Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғар-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маси ҳамда Савдо-саноат палатаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, Ж.А. Ходжаев, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С. Қосимов ва Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Ваҳобов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 30 май,
ПҚ–200-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 174 Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида*

Маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги фидойиликларини, ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш, шунингдек, 2023 йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида:

1. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма), Маданий мерос агентлиги ва Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро шаҳридаги тарихий маскан — Хўжа Гулрез кўчаси 13-уй манзилида жойлашган Ҳовли Поён мажмуасида Жадидлар мероси давлат музейини (кейинги ўринларда — Музей) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Музей фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жадидлик ҳаракатига оид мамлакатимиз ва хориждаги турли манбалар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш, тўплаш, сақлаш, ўрганиш, тиклаш, нусхалаш, эълон қилиш, улар асосида Музей фондини бойитиб бориш ва экспозицияларни яратиш, шунингдек, маданий-маърифий ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш;

маърифатпарвар жадидларнинг Ватанимиз ва жаҳон тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини, миллий истиқлолимизнинг маънавий асосларини яратишдаги ҳиссаси ва фидойиликларини ҳаққоний ёритиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

музей экспозицияларини яратишда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Музей Жамғарма тизимига киради ҳамда Музей фаолияти унинг биносида қурилиш-монтаж ишлари якунланганидан сўнг бошланади;

Музей биносини мукаммал таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудини ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ харажатлар иловага** мувофиқ ажратиладиган манбалар ҳисобидан қопланади;

Музейни сақлаш харажатлари — Бухоро вилояти маҳаллий бюджети маблағлари, Музейнинг ўз даромадлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади;

---

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 майда эълон қилинган.

** Илова берилмайди.

Музейга штат бирликларини ажратиш ҳамда ходимларга иш ҳақи тўлаш Маданий мерос агентлиги тизимидаги музейлар учун белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

4. Жамғарма:

а) Маданий мерос агентлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда Музей уставини тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда Музей фаолиятига кўмаклашиш юзасидан тегишли чоралар кўрсин;

б) Фанлар академияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, «Ўзархив» агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданий мерос агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи билан биргаликда:

Музейни жадидлик ҳаракатига оид музей ашёлари ва коллекциялари билан тўлдириб боришни ташкил этсин;

ушбу мақсадда жадидлик ҳаракатига оид ноёб китоб, қўлёзма, архив ҳужжатлари ва бошқа материалларни аниқлаш бўйича чуқур фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилишини йўлга қўйсин, шунингдек, аниқланган материалларни таъмирлаш ва рақамлаштириш чораларини кўрсин;

в) бир ой муддатда Музей фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, Музей биносини таъмирлаш, жиҳозлаш ва ҳудудини ободонлаштириш, Музей экспозициясини яратиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

5. Маданий мерос агентлиги «Миллий меросга менинг ҳиссам» умумхалқ акцияси доирасида аҳолидан жадидлик ҳаракатига оид тарихий материаллар, ашёлар, ноёб суратларнинг Музей учун харид қилиб борилишини таъминласин.

6. Ташқи ишлар вазирлиги Музейга хорижий давлатлардаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар ҳамда тегишли мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга кўмаклашсин.

7. Музейни ташкил этиш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган музей ашёлари ва коллекциялари, китоб ва қўлёзмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкциялар, мебель ва инвентарлар 2025 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Музей фаолиятини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси раиси Г.О. Умерова ҳамда Бухоро вилояти ҳокими Б.К. Зарипов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 30 май,
ПҚ–201-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 175 Мажбурий рақамли маркировкалаш жараёнларини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Яширин ишлаб чиқаришнинг олдини олиш, аҳолини қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қилиш ҳамда рақамли маркировкалаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, 2022 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи 2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалардан (кейинги ўринларда — маркировкани ўқиш қурилмалари) мажбурий фойдаланиш талаби белгиланганлиги;

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана ёки улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарга «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимига уланиш мажбурияти юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) тадбиркорлик субъектлари томонидан маркировкаланадиган маҳсулотларни маркировкани ўқиш қурилмаларидан фойдаланмаган ҳолда сотиш ҳолатлари солиқ органлари базаси маълумотлари асосида аниқланганда, ушбу тадбиркорлик субъектлари шахсий кабинети орқали ҳолат юзасидан огоҳлантирилади ҳамда қуйидаги чораларни кўриш амалиёти жорий этилади:

икки марта огоҳлантиришдан сўнг қонун бузилиши бир ой ичида қайта такрорланган тақдирда, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилган чоракдаги фаолият юзасидан солиқ текшируви тайинланади;

қонун бузилиши солиқ текшируви якунлангандан бир ойдан кейин қайта такрорланганда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни текшириш кунида хабардор қилган ҳолда солиқ текшируви тайинланади;

б) солиқ органларига:

мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар бўйича аниқланган қалбаки ва контрафакт ҳолатлар ҳамда маркировкалаш қоидалари бузилганлиги юзасидан текширувларни тадбиркорлик субъектларини хабардор қилмасдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳи-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 1 июнда эълон қилинган.

моя қилиш бўйича вакилни текшириш кунида хабардор қилган ҳолда амалга ошириш;

ҳар чоракда мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ текширувларини амалга ошириш ваколати берилади.

3. Солиқ қўмитаси ҳар чоракда мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари орасидан ҳар бир ҳудуд кесимида инсон омилисиз автоматик тарзда камида 10 фоизини танлаб олган ҳолда, уларда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган субъектлар фаолиятини кейинги уч чорак давомида назорат қилиб борсин.

4. 2027 йил 1 январга қадар рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун маркировкани ўқиш қурилмаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини камайтириш ҳуқуқи берилсин.

5. Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотларни маркировкалаш учун зарур бўлган ва импорт қилинадиган ускуналар (ТИФ ТН кодлари: 7616 999 009, 9029 900 009, 8544 499 500 ва 8528 529 000) 2024 йил 1 июндан 2027 йил 1 июнга қадар божхона божидан озод қилинсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йил 1 сентябрдан:

пиво маҳсулотларининг чакана савдоси фаолияти ваколатли органларни хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхатига киритилади;

тамаки ва пиво маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи миқдоридаги ҳар ойлик йиғим жорий этилади.

7. Солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 30 май,
ПҚ–202-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 176 Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатувчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ–410-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ–410-сон қарорига мувофиқ:

а) «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази сифатида қайта номланганлиги;

б) Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида эксперимент тариқасида:

уларда жойлаштирилган шахсларга уларнинг эҳтиёжи ҳамда хоҳишига кўра қисқа ва узоқ муддат қолиш ҳамда интернат уйидан бутунлай чиқиш имконияти яратилиши;

улар жойлашган ҳududдаги ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож кексалари ва ногиронлиги бўлган шахсларига шартнома асосида мобиль, кундузги қатнов шаклидаги, қисқа ва узоқ муддатли ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) давлат муассасалари ҳисобланади;

Марказларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Агентлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 майда эълон қилинган.

Марказга Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Марказлар фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Агентликнинг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

Марказ тугатилганда, Агентлик томонидан унга жойлаштирилган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар белгиланган тартибда бошқа Марказга жойлаштирилади;

Марказлардаги ўринлар сони Агентлик томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилган ҳолда белгиланади;

Марказлар Агентлик томонидан белгиланган квоталар доирасида шартномага мувофиқ пуллик асосда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиши мумкин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган Марказларда эксперимент тариқасида:

ушбу ҳудудларда яшовчи парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлган ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга шартномага мувофиқ узоқ ва қисқа муддатли стационар, кундузги қатнов ҳамда мобиль шаклдаги ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ягона реестр)га киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож кексалари ва ногиронлиги бўлган шахсларига хизмат кўрсатиш шартномага мувофиқ ижтимоий ва реабилитация хизматлари нархининг 20 фоизи миқдоридаги тўлов асосда амалга оширилади.

Бунда тўлов миқдори Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда босқичма-босқич 50 фоизгача оширилиши мумкин;

б) мазкур банднинг «а» кичик банди учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган тўловларнинг қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Агентлик ва унинг тизим ташкилотларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

4. Марказларга жойлаштирилган шахсларнинг ижтимоийлашувини ҳамда чекловларсиз тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида:

Савдо-саноат палатаси томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг қўл меҳнати билан тайёрланган маҳсулотларни «Ижтимоий маҳсулот» электрон савдо платформасида, бошқа электрон савдо майдончаларида ва кўргазмаларда ҳамда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот» товар белгиси остида жаҳон бозорларида сотилиши учун ҳар томонлама кўмаклашиб борилади;

ҳар бир Марказни «Ҳунарманд» уюшмаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига бириктириш тартиби жорий этилади.

Бунда бириктирилган ҳудудий бошқармалар томонидан Марказларга жойлаштирилган шахсларни уларнинг хоҳишига қараб тегишли касб-ҳунарга ўргатиш бўйича курслар ташкил этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва Агентликнинг Марказларда жойлаштирилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш жараёнларига волонтёрларни кенг жалб этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Белгилансинки, 2024 йил 1 июлдан бошлаб:

Ўзбекистон волонтёрлари ассоциацияси ва «Нуроний» жамғармаси томонидан ҳар чоракда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш жараёнида қатнашиш истагида бўлган волонтёрлар тўғрисидаги маълумот Агентликка тақдим этиб борилади;

Марказларга жалб этиладиган волонтёрларни танлаш ва улар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматлари турлари ҳамда тартиби Агентлик томонидан белгиланади;

Марказларга волонтёр сифатида жалб қилинган шахсларни рағбатлантириш қонунчиликда белгиланган тартибда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 январга қадар ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказга жойлаштириш учун зарур тиббий ҳужжатларни Халқаро касалликлар ва саломатлик билан боғлиқ бўлган муаммолар таснифига (Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мослаштирилган V МКБ-10 класси) мувофиқ «Тиббиёт» ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этиш имкониятини яратсин.

8. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштириш ҳамда уларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказга жойлаштириш бўйича мурожаатларни «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Ижтимоий ҳимоя» АТ) орқали қабул қилиш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш;

ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналарини ташкил этиш;

қисқа ва узоқ муддатли стационар, кундузги қатнов ҳамда мобиль шаклларида ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш.

9. Агентлик Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда:

ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ давлат ижтимоий хизматини кўрсатиш «Ижтимоий ҳимоя» АТ орқали жорий этилишини;

давлат ижтимоий хизмати кўрсатишнинг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш имкониятини;

Агентликнинг расмий веб-сайти ва «Ижтимоий ҳимоя» АТда Марказлар

ҳақидаги, шу жумладан, уларда мавжуд бўш ўринлар бўйича маълумотлар жойлаштирилиши ва мунтазам янгилаб борилишини таъминласин.

10. Агентлик:

бир ҳафта муддатда эксперимент тариқасида ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатиладиган ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун зарур эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган Марказларда мавжуд ўринларнинг умумий сони доирасида тегишли квоталарни тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда Марказларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқланиши ва қайта давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ эксперимент тариқасидаги мобиль шаклдаги хизматларни йўлга қўйиш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан махсус автотранспорт воситаларининг харид қилинишини таъминласин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 31 май,
316-сон

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 майдаги 316-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига жойлаштириш ҳамда уларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида
## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизимидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) га ўзгалар парваришга муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни жойлаштириш ҳамда уларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ижтимоий ва реабилитация хизматлари** — шахсларнинг функционаллигини тиклаш, шу жумладан соғлиғидаги мавжуд нуқсонларини бартараф этиш, уларнинг салбий таъсирини юмшатиш орқали нормал ҳаёт кечириш имкониятини яратиш ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига қаратилган комплекс хизматлар;

**Махсус комиссия** — ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги шахсларни Агентлик тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш, бир тиббий-ижтимоий муассасадан бошқасига ўтказиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиб, қарор қабул қиладиган доимий асосда фаолият юритувчи комиссия;

**қонуний вакил** — ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражали қариндошлари, ҳомийлари, суд томонидан ўзгалар парваришига муҳтож шахсни парвариш қилиш мажбурияти юкланган шахслар;

**ҳудудий бошқарма** — Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

3. Марказларда қуйидаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади:

а) бепул асосда ҳамда чекланмаган муддатга — Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлмаган ва ўз номида кўчмас мулкка эга бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи I гуруҳ ногиронлиги бўлган кексалар (кейинги ўринларда — доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар).

Бунда ўз номида кўчмас мулкка эга бўлган ҳамда қонунчиликка мувофиқ ўзганинг ёрдамига анча боғлиқлиги (Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 53 баллгача тўплаган) боис ўзгалар парваришига муҳтож деб эътироф

этилган ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар Махсус комиссиянинг қарорига мувофиқ истисно тариқасида доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс сифатида Марказларга жойлаштирилиши мумкин;

б) шартномага мувофиқ пуллик асосда хизмат кўрсатиладиган қуйидаги шахслар (кейинги ўринларда — пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар):

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, парвариш қилиши шарт бўлган биринчи даражадаги қариндошлари бўлган ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига (кейинги ўринларда — Ягона реестр) киритилган оилаларнинг ўзгалар парваришига муҳтож кексалари ва ногиронлиги бўлган шахслари.

Бунда мазкур кичик бандда назарда тутилган шахсларга:

бир йилгача бўлган муддатда стационар ва бир ойгача бўлган муддатда кундузги қатнов шаклида Агентлик томонидан белгиланган квоталар доирасида Марказлар жойлашган вилоят (шаҳар)да яшовчи шахсларга;

бир йилгача бўлган муддатда мобиль шаклда Марказлар жойлашган туман (шаҳар)да яшовчи шахсларга кўрсатилади.

Мобиль хизмат кўрсатиладиган ҳудуд доирасига Агентлик томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

Пуллик асосда ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатиш тартиби ва шартлари Агентлик томонидан белгиланади ҳамда кўрсатилган жами пуллик хизматларнинг 2 фоизи миқдоридаги маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварағига йўналтирилади.

4. Ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган шахсларни Марказларга жойлаштириш уларда қуйидаги қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади:

беморнинг ўзи ва атрофидагилар учун хавфли бўлган мойилликнинг қўпол бузилишлари ва ахлоқий дағаллик билан бирга кечадиган руҳий касалликлар;

жараённинг фаол босқичидаги сил касаллиги;

юқумли тери ва соч касалликлари;

ўткир юқумли касалликлар;

соматик касалликларнинг ўткир кечиш даври;

сурункали касалликларнинг оғир ва ўта оғир (декомпенсация) даражаси;

салбий жараёндаги, ёмон ҳолатда ўтадиган шиш (онкологик) касалликлари ва рецидивлари;

таносил касалликлари;

деменция фонидаги делирий (Сенил деменцияси, делирий ёки англашнинг ўткир бузилиши билан).

Мазкур бандда назарда тутилган қарши кўрсатмалар аниқланган тақдирда, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари (кейинги ўринларда — «Инсон» маркази) томонидан ушбу шахслар тегишли тиббий муассасаларига даволаниш учун юборилади.

Агарда, тиббий муассасаларида даволаниш натижасида ушбу шахсларда муқаддам аниқланган қарши кўрсатмалар бартараф этилса, улар белгилан-

ган тартибда Марказларнинг ижтимоий ва реабилитация хизматларидан фойдаланиши мумкин.

5. Марказлар, уларнинг жойлашган манзиллари ва уларда мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайти ва «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизими (кейинги ўринларда — Ижтимоий ҳимоя АТ)га жойлаштириб борилади.

Марказларга жойлашишни хоҳловчи доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларга Ижтимоий ҳимоя АТда мавжуд маълумотлар асосида ўзлари истаган иккита (асосий ва қўшимча) Марказни танлаш ва унга жойлашиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади. Бунда:

доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар доимий рўйхатга олинган ҳудудда (вилоят ёки шаҳар) Марказ мавжуд бўлса, ушбу Марказ улар томонидан танланадиган асосий Марказ ҳисобланади. Қўшимча танланадиган Марказ эса исталган ҳудудда жойлашган Марказ бўлиши мумкин;

доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар доимий рўйхатга олинган ҳудудда (вилоят ёки шаҳар) Марказ мавжуд бўлмаса, улар исталган ҳудуддаги Марказни асосий ва қўшимча сифатида танлаши мумкин.

Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар томонидан танланган Марказларнинг ҳар иккисида ҳам бўш ўринлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу шахслар биринчи танланган Марказга жойлаштириш учун навбатга қўйилади.

6. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни Марказларга жойлаштириш Махсус комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

Махсус комиссия таркиби комиссия раиси ва унинг котиби билан биргаликда камида 5 нафар аъзодан иборат бўлади ҳамда «Инсон» марказларининг доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни Марказларга жойлаштириш ва бир Марказдан бошқасига ўтказиш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Махсус комиссиянинг намунавий таркиби ва фаолият юритиш тартиби Агентлик томонидан тасдиқланади.

Махсус комиссия, агар унинг мажлисида Махсус комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда, қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Махсус комиссиянинг қарорлари унинг ушбу мажлисда ҳозир бўлган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Махсус комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

7. Мазкур Низомга мувофиқ ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказларга жойлаштириш Ижтимоий ҳимоя АТ орқали амалга оширилади.

8. Марказларга жойлаштирилган ва Марказлар хизматларидан фойдаланмоқчи бўлган ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш индивидуал парваришлаш режаси асосида амалга оширилади.

9. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказларга жойлаштириш ҳамда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш ушбу Низомга 1а — 1б-иловаларга* мувофиқ схемалар бўйича амалга оширилади.

---

* 1а-1б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 2-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказларга жойлаштириш ҳамда бир Марказдан бошқасига ўтказиш тартиби

### 1-§. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни Марказларга жойлаштириш

10. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс Марказга жойлашиш учун «Инсон» марказига бевосита ўзи ёхуд қонуний вакили орқали мурожаат этади ёки Ижтимоий ҳимоя АТда электрон мурожаат қилиш учун рўйхатдан ўтади.

Бунда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили «Инсон» маркази орқали мурожаат этган тақдирда, «Инсон» маркази ходими доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили номидан, Ижтимоий ҳимоя АТ орқали мурожаат қилган ҳолларда эса — доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс мустақил равишда ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон шаклда тўлдиради.

11. Сўровнома доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) тасдиқланади, бундан «Инсон» маркази ходими томонидан расмийлаштирилган сўровномалар мустасно.

Сўровномага ушбу Низомнинг 3-иловасида* келтирилган, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги, доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахснинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий ҳужжатлар PDF (Portable Document Format) форматида тўлиқ илова қилинади.

Бунда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан тақдим этиладиган тиббий ҳужжатларнинг тўғрилиги Махсус комиссиялар томонидан текширилади.

12. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс тўғрисидаги қуйидаги маълумот ва ҳужжатлар Ижтимоий ҳимоя АТда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали мустақил равишда олинади:

«Инсон» марказининг доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсга нисбатан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз шахс тоифасини белгилашга доир қарори;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;

пенсия тайинланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса);

ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома (мавжуд бўлса);

ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури.

Мазкур Низомнинг 11-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган тиббий ҳужжатлар ҳам 2025 йил 1 январдан бошлаб «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграцион платформаси орқали олинади.

---

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларнинг мурожаатлари Ижтимоий ҳимоя АТда уларнинг келиб тушиш вақтига қараб кетма-кетлик бўйича автоматик тарзда навбат тартиб рақами асосида рўйхатга олинади.

14. «Инсон» маркази томонидан доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилининг мурожаатлари навбат тартиб рақамига мувофиқ улар юборилган санадан эътиборан икки иш кунида кўриб чиқилади.

«Инсон» маркази томонидан кўриб чиқилган сўровнома ва тақдим қилинган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ягона электрон ҳужжатлар мажмуи сифатида тўпланади ҳамда Ижтимоий ҳимоя АТга юкланади.

Ушбу Низомнинг 12-бандида белгиланган ҳужжатларни тегишли ахборот тизимлари орқали олиш имкони бўлмаса, улар доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилидан мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддат ичида сўраб олиниши мумкин.

15. Ушбу Низомнинг 11-12-бандларида назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларни тўплаш ва кўриб чиқиш жараёнида тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар ёки белгиланган амал қилиш муддат ўтган ҳужжатлар мавжудлиги аниқланса, «Инсон» марказлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу камчиликларни бартараф этиш ёки белгиланган амал қилиш муддат ўтган ҳужжатларни янгилаш учун ваколатли органларга талабнома киритилади.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича талабнома киритилганлиги ҳамда заруратга кўра ваколатли органларга мурожаат қилиш лозимлиги тўғрисида доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

16. «Инсон» марказларига тақдим қилинган маълумот ва ҳужжатларда камчиликлар ёки белгиланган амал қилиш муддати ўтган ҳужжатлар аниқланмаса, барча ҳужжатлар кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилади.

17. Махсус комиссия беш иш куни ичида Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилган электрон ҳужжатлар йиғмажилдини уларнинг навбат тартиб рақамига мувофиқ тўғри ва ҳаққонийлигини текширади ҳамда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларда ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди.

Махсус комиссия доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларда Марказларга жойлаштириш учун қарши кўрсатмалар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш учун заруратга кўра қўшимча мутахассисларни жалб этиши мумкин.

18. Махсус комиссия томонидан доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларда Марказларга жойлаштириш учун қарши кўрсатмалар мавжудлигини ўрганиш якунлари бўйича қарор қабул қилинади.

19. Қуйидаги ҳолларда Махсус комиссия томонидан доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни Марказларга жойлаштиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади:

Махсус комиссия мажлиси ўтказилаётган вақтда доимий яшовчи тоифа-

сига кирувчи шахсда ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар юзага келса;

доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили ўз хоҳишига кўра Марказга жойлашишдан бош тортса.

Марказларга жойлаштиришни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

20. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили Марказга жойлаштириш бўйича хизматдан фойдаланишдан хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Хизматдан фойдаланишдан бош тортилганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

21. Махсус комиссия котиби доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилининг сўровномасига мувофиқ у жойлашишни истаган Марказлардан бирида бўш ўрин бўлганда, ушбу жойни белгилаган ҳолда Марказга жойлаштириш ҳақидаги қарор лойиҳасини Ижтимоий ҳимоя АТ орқали тасдиқлаш учун Махсус комиссия аъзоларига киритади.

Қарор Махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан тасдиқланганидан кейин Махсус комиссия котиби томонидан белгиланган жой автоматик банд қилинади.

Ижтимоий ҳимоя АТ орқали автоматик банд қилинган жой Махсус комиссия қарори тасдиқланган кундан эътиборан ўн беш кун давомида банд қилинади.

Ўн беш кун давомида доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс томонидан тегишли Марказга жойлашиш бўйича мурожаат қилинмаган тақдирда, ушбу банд қилинган жой мазкур Марказга жойлашиш бўйича Махсус комиссия қарори тасдиқланган ва навбатда турган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар номига расмийлаштирилади.

22. Агарда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили сўровномасида кўрсатилган Марказлардан ҳеч бирида бўш ўрин мавжуд бўлмаса, Махсус комиссия котиби ушбу шахсни у жойлашишни истаган биринчи танланган Марказга жойлаштириш бўйича навбатга қўйиш ҳақидаги қарор лойиҳасини Ижтимоий ҳимоя АТ орқали тасдиқлаш учун Махсус комиссия аъзоларига киритади.

23. Мазкур Низомнинг 21 ва 22-бандларига мувофиқ Махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарор автоматик тарзда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларига ҳамда тегишли Марказга Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилади ҳамда бу тўғрисида мобиль алоқа воситалари орқали хабар берилади.

Бунда мазкур Низомнинг 19-бандига мувофиқ қабул қилинган қарор автоматик тарзда Ижтимоий ҳимоя АТ орқали фақат доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакилига юборилади ҳамда бу тўғрисида мобиль алоқа воситалари орқали хабар берилади.

24. Махсус комиссия қароридан норози бўлган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс ёки унинг қонуний вакили қонунчиликка мувофиқ ушбу қарор устидан Агентликка ёки бевосита судга шикоят қилиши мумкин.

Бунда Агентликка қилинган шикоятлар белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, мазкур Низомда доирасида кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун тегишли Махсус комиссияга юборилиши мумкин.

25. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс мазкур Низомнинг 21-банди учинчи хатбошисида белгиланган муддатда жойлашиш учун Марказга ташриф буюради. Бунда Марказ томонидан доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахснинг соғлиғининг ҳолати текширувдан ўтказилади.

Марказга қабул қилиш вақтида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилади ҳамда бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя АТга киритилади.

Ушбу шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларида даволанишда бўлган вақтда улар учун банд қилинган жой сақлаб турилади ҳамда улар белгиланган тартибда даволаниб бўлгач, Марказга қабул қилинади.

Агарда уларда ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш жараёнида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар аниқланса, уларни Марказдан чиқариш бўйича Марказ томонидан хулоса расмийлаштирилади ҳамда бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя АТга киритилади.

Ушбу хулоса қарши кўрсатма аниқланган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни Марказга жойлаштиришни рад этиш ва ундан чиқариш учун асос бўлади.

26. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш, уларни парваришлашни яхшилаш ҳамда уларнинг ижтимоий-меҳнат реабилитацияси бўйича тадбирларни амалга ошириш мақсадида улар сақлаш режимига (ўрин-тўшаклар, кузатиш, сақлашнинг эркин тартиби), соғлиғи, ёши ва шахсий хоҳиши ҳисобга олинган ҳолда алоҳида бўлимлар ва хоналар бўйича жойлаштирилади.

27. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Бунда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар:

ҳар йили икки марта соғлиқни сақлаш тизимидаги бириктирилган муассасалар ва олий тиббий таълим муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади;

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида даволаш мақсадида йўлланма шакллантириш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига Марказлар томонидан уларнинг тиббий ходимларининг хулосалари асосида Ижтимоий ҳимоя АТдан «Электрон поликлиника» ахборот тизимига сўров юборилади;

тиббий кўрсатмага мувофиқ белгиланган тартибда амбулатор, стационар ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш чораларини ҳамда йилига бир марта санаторийларда соғломлаштириш тадбирлари билан қамраб олинади.

## 2-§. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни Марказларга жойлаштириш

28. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс Марказга жойлашиш учун бевосита ўзи ёки унинг қонуний вакили ушбу Низомнинг 10-банди ва 11-банднинг биринчи хатбошисида белгиланган тартибда Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда мурожаат қилади ҳамда ушбу Низомнинг 3-иловасида назарда тутилган тиббий ҳужжатлар PDF форматида тўлиқ илова қилинади.

29. Ягона реестрга киритилган оиланинг кекса ва (ёки) ногиронлиги бўлган аъзосининг мурожаатини кўриб чиқишда ушбу Низомнинг 12-банди учинчи — олтинчи хатбошиларида белгиланган маълумот ва ҳужжатларга қўшимча равишда ушбу шахс оиласининг Ягона реестрга киритилганлиги Ижтимоий ҳимоя АТ орқали текширилади.

30. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки уларнинг қонуний вакилларининг мурожаатлари Ижтимоий ҳимоя АТда уларнинг келиб тушиш вақтига қараб кетма-кетлик бўйича автоматик тарзда навбат тартиб рақами асосида рўйхатга олинади.

31. «Инсон» маркази томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки қонуний вакилининг мурожаатлари навбат тартиб рақамига мувофиқ улар юборилган санадан эътиборан уч иш кунида кўриб чиқилади.

Агарда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилининг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида ушбу Низомнинг 12-банди ва 3-иловасида назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари ўтганлиги аниқланса, ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, «Инсон» маркази пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилининг мурожаатини кўриб чиқишни рад этади ҳамда бу тўғрисида пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилади.

32. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг ҳақиқатда ўзгалар парваришига муҳтожлиги тегишли мурожаат келиб тушгандан кейин уч иш куни ичида бевосита унинг яшаш жойига борган ҳолда ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ҳамда ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлаш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда баҳоланади.

Баҳолаш якуни бўйича ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ шаклда амал қилиш муддати бир йил бўлган хулоса расмийлаштирилади ҳамда «Инсон» маркази директорининг электрон рақамли имзоси орқали тасдиқланади.

33. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилининг мурожаатини кўриб чиқиш натижасида ушбу шахснинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги, Ягона реестрга киритилган оиланинг кекса ва (ёки) ногиронлиги бўлган аъзоси сифатида мурожаат қилган шахснинг оиласига ЯИДХП орқали тақдим этиладиган QR-кодга эга бўлган маълумотноманинг амал қилиш муддати тугамаганлиги ҳамда унда ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги аниқланганда, ушбу шахсни тегишли

---

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказга жойлаштириш учун Ижтимоий ҳимоя АТда барча ҳужжатлар ягона электрон ҳужжатлар мажмуи сифатида тўпланади.

Ягона электрон ҳужжатлар мажмуи пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсни у танлаган Марказга жойлаштириш учун Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилади.

Агар пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилининг мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида ушбу шахс танлаган Марказда бўш ўринлар мавжуд бўлмаса, ушбу Марказга жойлаштириш учун навбатга қўйилади.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар бўйича пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс Ижтимоий ҳимоя АТ ва мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

34. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакили «Инсон» маркази томонидан Марказга жойлашиш ҳақида мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинганидан кейин Марказга жойлашиш учун беш кун ичида ташриф буюриши лозим.

Ушбу муддатда ичида пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс Марказга ташриф буюрмаганда, уни Марказга жойлаштириш рад этилади ҳамда бу тўғрисида тегишли «Инсон» маркази ва пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакили мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган ҳолат бўйича Марказга жойлаштирилиши рад этилган шахс Марказ хизматларидан фойдаланиш учун ушбу параграфда белгиланган тартибда қайта мурожаат қилиши мумкин.

35. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс Марказга жойлашиш учун ташриф буюрганда Марказ томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг соғлиғи ҳолати текширувдан ўтказилади.

Марказга қабул қилиш вақтида юқори ҳарорат ёки ноаниқ этиологияли тошма аниқланган пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилади ҳамда бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя АТга киритилади.

Ушбу шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларида даволаниб бўлгач ва Марказларда бўш ўрин мавжуд бўлганда қабул қилинади. Агарда Марказда бўш ўрин мавжуд бўлмаса, ушбу шахслар мазкур Марказга жойлаштириш бўйича биринчи ўринда навбатга қўйилади.

Агар уларда ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш жараёнида ушбу Низомнинг 4-бандида белгиланган қарши кўрсатмалар аниқланса, Марказ томонидан бу тўғрисида хулоса расмийлаштирилади ҳамда унга мувофиқ пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни Марказга қабул қилиш рад этилади ва бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя АТга киритилади.

36. Марказларга жойлашиш учун навбатга қўйилган шахслар уларнинг навбати келган вақтда тегишли «Инсон» маркази томонидан мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Бунда «Инсон» маркази томонидан Марказга жойлашиш учун навбатга қўйилган Ягона реестрга киритилган оиланинг кекса ва (ёки) ногиронлиги бўлган аъзоси сифатида мурожаат қилган шахснинг Марказга жойлашиш навбати келган вақтда, унинг оиласига ЯИДХП орқали тақдим этиладиган маълумотноманинг амал қилиш муддати мавжудлиги текширилади.

Агарда Марказга жойлашиш навбати келган Ягона реестрга киритилган оиланинг кекса ва (ёки) ногиронлиги бўлган аъзоси сифатида мурожаат қилган шахснинг оиласига ЯИДХП орқали тақдим этиладиган маълумотноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги аниқланганда, ушбу шахсни Марказга жойлаштириш рад этилади ва улар бу тўғрисида мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ҳамда бу тўғрисидаги маълумот Ижтимоий ҳимоя АТга киритилади.

37. Марказ ва пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ва (ёки) унинг қонуний вакили ўртасида ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш бўйича икки ва уч томонлама шартнома тузилади.

Ушбу шартномада кўрсатиладиган хизматлар, уларнинг давомийлиги, нархлари ва хизматларни кўрсатиш шакли, тўловларни амалга ошириш усуллари ва бошқа шартлар кўрсатиб ўтилади. Бунда Марказ томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан танланади, базавий хизматлар эса мажбурий равишда шартномага мувофиқ кўрсатилади.

38. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар ўзларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг хоҳишига кўра Марказларнинг ижтимоий ва реабилитация хизматларидан мобиль, кундузги қатнов шаклида ёки қисқа ва узоқ муддатга бевосита Марказга жойлашиш орқали фойдаланишлари мумкин.

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларга шартномага мувофиқ тўловлар тўлиқ амалга оширилганидан сўнг шакллантириладиган индивидуал парваришлаш режасига асосан ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади.

### 3-§. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни бир Марказдан бошқасига ўтказиш

39. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни бир Марказдан бошқасига тегишли Марказда бўш ўрин мавжуд бўлган тақдирда ҳамда қуйидаги асослар мавжуд бўлганда Махсус комиссия қарорига мувофиқ ўтказилиши мумкин:

ўзгалар парваришига муҳтож шахс истиқомат қилаётган ёки ижтимоий ва реабилитация хизматларидан фойдаланаётган Марказ жойлашган ҳududнинг об-ҳавоси унинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатганда (тиббий хулоса билан асосланганда);

ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг қонуний вакили бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб ўтганда ёки унинг яқин қариндошлари бошқа ҳудудда яшаганда (Марказ ижтимоий ходимининг тавсияси асосида).

40. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс бир Марказдан бошқасига ўтиш учун бевосита ўзи ёки унинг қонуний вакилининг тегишли Марказ жойлашган ҳудуддаги «Инсон» марказига ёҳуд Ижтимоий ҳимоя АТда ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги сўровномани тўлдириш орқали мурожаат қилади.

Мурожаат бевосита «Инсон» марказига борган ҳолда берилганида «Инсон» маркази ходими ўзгалар парваришига муҳтож шахсга унинг номидан сўровномани тўлдиришда кўмаклашиши мумкин.

Сўровномага мазкур Низомнинг 39-бандида назарда тутилган ўзгалар парваришига муҳтож шахсни бир Марказдан бошқасига ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

41. Сўровнома зарур маълумотлар киритилганидан ҳамда тегишли ҳужжат ва маълумотлар расмийлаштирилгандан сўнг ўзгалар парваришига муҳтож шахс ёки унинг қонуний вакили томонидан имзони идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан (дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) тасдиқланади, бундан «Инсон» маркази ходими кўмагида расмийлаштирилган сўровномалар мустасно.

Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилган сўровномаларга уларнинг келиб тушиш вақтига қараб кетма-кетлик бўйича автоматик тарзда навбат тартиб рақами берилади.

42. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни бир Марказдан бошқасига ўтказиш ҳақидаги мурожаатлар (сўровнома ва илова ҳужжатлар) мазкур Низомда белгиланган тартибда Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Махсус комиссия мурожаатларни кўриб чиқишда заруратга кўра ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни тиббий кўрикдан ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

43. Махсус комиссиянинг ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни бир Марказдан бошқасига ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган заҳоти ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ёки уларнинг қонуний вакилларига ҳамда тегишли Марказга Ижтимоий ҳимоя АТ орқали юборилади ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож шахслар бу тўғрисида мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

44. Марказ унда яшовчи ўзгалар парваришига муҳтож шахсни бошқа Марказга ўтказиш ҳақидаги Махсус комиссия қарорини олган кундан эътиборан уч кун ичида ўзгалар парваришига муҳтож шахсни зарур транспорт воситасида тиббиёт ходими кузатувида Махсус комиссиянинг қарорида кўрсатилган Марказга ўтказилишини ташкил этади.

45. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсни бир Марказдан бошқасига ўтказишда унинг тегишли Марказга қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлари (электрон ҳужжатлар йиғмажилди) ҳамда шахсий кийимкечаги ва буюмлари билан бирга ўтказилади.

---

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 3-боб. Марказларда ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш

### 1-§. Марказлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматлари

46. Марказларда жойлаштирилган шахсларга ёки уларнинг хизматларидан фойдаланувчи шахсларга уларнинг ҳар бири бўйича тузилган индивидуал парваришлаш режасига мувофиқ ушбу Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ ижтимоий ва реабилитация хизматлари кўрсатилади.

47. Индивидуал парваришлаш режаси Ижтимоий ҳимоя АТ орқали ўзгалар парваришига муҳтож шахсни Марказга қабул қилиш жараёнида ўтказиладиган ўрганиш натижалари бўйича Марказ директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, терапевт, ижтимоий ходим, реабилитолог ва психологдан иборат ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилади.

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларга нисбатан индивидуал парваришлаш режасини шакллантиришда шартномага мувофиқ улар томонидан танланган ижтимоий ва реабилитация хизматлари ҳам инобатга олинади.

48. Марказларда жойлашган ёки уларнинг хизматларидан фойдаланаётган шахсларга индивидуал парваришлаш режасига мувофиқ кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми Агентлик томонидан белгиланади.

49. Марказлар томонидан ижтимоий ва реабилитация хизматлари ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга узоқ ва қисқа муддатли стационар, кундузги қатнов ва мобиль шаклларида кўрсатилади.

### 2-§. Стационар ва кундузги қатнов шаклларида ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тартиби

50. Стационар ва кундузги қатнов шаклларида ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш мазкур Низомнинг 3-бандда белгиланган тартибда доимий яшовчи тоифасига кирувчи ҳамда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

51. Стационар ва кундузги қатнов шаклларида ушбу Низомнинг 7-иловасидаги ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш мазкур Низомнинг 47-бандига мувофиқ шакллантирилган индивидуал парваришлаш режасига мувофиқ амалга оширилади.

52. Кундузги қатнов шаклида ижтимоий ва реабилитация хизматларидан фойдаланиш учун ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш шартномада назарда тутилган кунларда Марказга келишлари талаб этилади.

* 7-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 3-§. Мобиль шаклда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш тартиби

53. Мобиль шаклда ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган тартибда доимий яшовчи тоифасига кирувчи ҳамда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс ёки унинг қонуний вакилларининг хоҳишига кўра амалга оширилади.

54. Мобиль шаклда ушбу Низомнинг 7-иловасига мувофиқ ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш мазкур Низомнинг 47-бандига мувофиқ шакллантирилган индивидуал парваришлаш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда мобиль шаклдаги Марказ хизматлари алоҳида тасдиқланган режа-графикларга мувофиқ ўзгалар парваришига муҳтож шахсларнинг бевосита яшаш жойига борган ҳолда кўрсатилади.

55. Мобиль шаклда хизмат кўрсатиш учун Марказлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматлари турига қараб мобиль гуруҳлар шакллантирилади.

56. Мобиль шаклда хизмат кўрсатиш шартлари, давомийлиги, бир кун давомида хизматлар учун ажратиладиган вақт, ҳар бир ўзгалар парваришига муҳтож шахсга кўрсатиладиган хизматларнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

## 4-§. Марказларда кўрсатиладиган шахсларнинг ижтимоийлашувига қаратилган хизматлар

57. Марказларда унга жойлаштирилган ҳамда кундузги қатнов шаклида хизматлардан фойдаланувчиларни жамиятга интеграция қилиш ҳамда қариш жараёни билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга кўмаклашувчи касбий реабилитация хизматларини кўрсатиш учун ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналари ташкил этилади.

58. Ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналарида стационар ҳамда кундузги қатнов шаклида хизматлардан фойдаланувчиларининг хоҳиши ва қизиқишлари ҳамда индивидуал парваришлаш режасига мувофиқ меҳнат йўриқчилари томонидан касбга ўргатиш ва кўникмаларни шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказиб борилади.

59. Марказнинг ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналари уларда жойлаштирилган шахсларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда бир ёки бир нечта йўналишлар бўйича ушбу Низомнинг 8-иловасида* белгиланган зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади.

60. Марказларда жойлаштирилган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларга:

уларнинг соғлиғининг ҳолати ва хоҳишларини инобатга олган ҳолда муқаддам шуғулланиб келган фаолият турлари билан шуғулланишига;

мутахассислиги бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишлашига;

* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказларнинг тегишли биноларидан фойдаланган ҳолда касаначилик фаолияти билан шуғулланиши имконият яратилади.

61. Марказларда ўтказиладиган машғулотлар натижасида, тегишли касб бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун етарли кўникмаларга эга шахслар уларнинг хоҳишига кўра Марказ томонидан:

алоҳида билим талаб этмайдиган лавозимлар бўйича Марказга ишга қабул қилиниши мумкин;

ушбу Марказ жойлашган ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларида иш билан таъминлаши ёки ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашилади.

Бунда ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларни кейинчалик сотиш учун шартномага мувофиқ Марказлар томонидан сотиб олинади.

Марказларга жойлаштирилган шахсларни ишга жойлаштириш учун қўшимча касбий малакани ўрганишга зарурат туғилганда, бу жараёнга Марказлар шартномага мувофиқ тегишли мутахассисликлар бўйича зарур мутахассислар жалб этилиши мумкин.

62. Марказлар томонидан маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Марказларга жойлаштирилган ўзини-ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотиш учун махсус ярмаркалар ташкил этилиши мумкин.

## 5-§. Марказларда кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматларининг самарадорлигини баҳолаш

63. Марказларда ушбу Низомнинг 7-иловасида назарда тутилган ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, хизматдан фойдаланувчилар томонидан хизматдан қониқиш ҳосил қилганлиги даражаси баҳоланади ҳамда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги мониторинг қилинади.

64. Баҳолаш ҳар чоракда Агентлик томонидан белгиланган тартибда Марказлар жойлашган ҳудуддаги «Инсон» марказлари томонидан амалга оширилади.

Баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

Марказлар хизматларидан фойдаланаётган шахсларнинг тегишли хизматлардан қониқиш ҳосил қилганлигини аниқлаш учун сўровнома ўтказиш;

индивидуал парваришлаш режасининг тўғри тузилганлиги, зарур хизматларнинг киритилганлиги ҳамда уларнинг ўз вақтида кўрсатилганлигини танлов асосида ўрганиш.

Баҳолашни амалга оширишда заруратга кўра тор доирадаги малакали мутахассислар жалб этилиши мумкин.

65. Баҳолаш якунида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

индивидуал парваришлаш режасига янги хизматларни киритиш ёки унда мавжуд хизматларни чиқариш орқали тузатишлар киритиш;

индивидуал парваришлаш режасида кўрсатилган хизматларнинг ўз

вақтида ва белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда амалга оширилган ҳолатларда тегишли масъулларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш бўйича таклиф киритиш.

66. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларнинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарорида белгиланган тартибда мультидисциплинар гуруҳлар томонидан Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича мониторинг қилинади.

Бунда мультидисциплинар гуруҳ хулосаси шахсни Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестрига киритиш бўйича хулоса шакллантирган ишчи гуруҳ фаолиятига баҳо бериш учун асос ҳисобланмайди.

## 4-боб. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказдан чиқариш

67. Марказларга жойлаштирилган доимий яшовчи тоифасига кирувчи ва пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар қуйидаги ҳолларда Марказлардан чиқарилади:

а) доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар:

Марказлар хизматидан мобиль ёки кундузги қатнов шаклида фойдаланиш ёхуд Марказдан чиқиш ҳақидаги аризасига мувофиқ;

уларни таъминлаш ва зарур даражада парваришлашга қодир бўлган яқин қариндошларининг илтимосига мувофиқ;

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестридан чиқарилганда;

вафот этган тақдирда;

б) пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар:

шартномада белгиланган хизматлардан фойдаланиш муддати тугаганда;

мазкур Низом талабларига мувофиқ доимий яшовчи тоифасига ўтказилганида;

вафот этган тақдирда.

68. Ушбу Низомнинг 67-банди «а» кичик бандида белгиланган ҳолатлар юзага келганда Марказ томонидан доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни Марказдан чиқариш ёки хизмат кўрсатиш шаклини ва тартибини ўзгартириш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

Мазкур буйруқда белгиланган муддатда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахс Марказдан чиқарилади ҳамда унга қуйидаги ҳужжатлар берилади, бундан Марказ хизматларидан фойдаланиш шакли ўзгартирилиши мустасно:

Марказда бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий ҳужжатлар).

Мазкур Низомнинг 67-банднинг «а» кичик банди тўртинчи хатбошисига мувофиқ чиқариш бўйича «Инсон» маркази томонидан қарор қабул қилишда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларни яшаш жой билан таъминлаш

ҳамда ижтимоийлашувига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар ҳам назарда тутилади.

69. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни унинг вафот этганлиги муносабати билан Марказдан чиқаришда Марказ доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахснинг яқин қариндошларига, хусусан сўнгги маротаба ушбу шахсдан хабар олган қариндошига мобиль алоқа воситалари орқали боғланган ҳолда ушбу шахснинг вафот этганлиги ва уни олиб кетиш лозимлиги ҳақида хабардор қилади ҳамда вафот этган шахснинг жасадини белгиланган тартибда сақлаш ва дафн этиш чораларини кўради.

Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахснинг яқин қариндошлари белгиланган тартибда хабардор қилинганидан кейин бир кун ичида Марказга келмаган тақдирда ёки Марказга келмасликлари ҳақида хабар қилмаган тақдирда, ушбу шахс Марказ томонидан Марказ фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда дафн этилади ҳамда бу тўғрисида тегишли буйруқ қабул қилинади. Ушбу буйруқ вафот этган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни Марказдан чиқариш учун асос ҳисобланади.

Бунда Марказ томонидан дафн этилган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни дафн этганлик учун қонунчиликда белгиланган нафақа тўланмайди.

70. Ушбу Низомнинг 67-банди «б» кичик бандида белгиланган ҳолатлар юзага келганда Марказ томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни Марказдан чиқариш муддати ва тартибини назарда тутувчи буйруқ қабул қилинади.

Мазкур буйруқда белгиланган муддатда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар Марказдан чиқарилади ҳамда уларга қуйидаги ҳужжатлар берилади:

Марказда бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома;

соғлиғининг ҳолати тўғрисидаги маълумотнома (тиббий ҳужжатлар).

71. Агарда пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар уларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш муддати тугаганидан кейин Марказдан чиқишни рад этган тақдирда, уларга Марказ хизматларидан фойдаланиш бўйича муқаддам тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш орқали хизматлардан фойдаланишни давом этиш таклиф этилади.

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс томонидан Марказнинг таклифига розилик билдирилганида муқаддам тузилган шартнома ўзгартириш киритилади ҳамда унга мувофиқ тегишли тўловлар амалга оширилганидан сўнг ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш давом эттирилади.

72. Агарда шартномага мувофиқ ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш муддати тугаганидан кейин пуллик хизмат кўрсатиладиган шахс томонидан Марказ хизматларидан фойдаланишни давом эттириш истаги билдирилмаганда ҳамда яқин қариндошлари томонидан олиб кетилмаганда, Марказ бу тўғрисида «Инсон» марказини хабардор қилади.

«Инсон» маркази томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг яқин қариндошларини, хусусан сўнги маротаба ушбу шахсдан хабар олган

қариндошини топиш орқали уларни пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсни Марказдан олиб кетиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади.

73. «Инсон» маркази томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг яқин қариндошларини топиш имконияти бўлмаганда, ушбу шахсга Марказда хизмат кўрсатишни давом эттириш имкониятлари баҳоланади.

Баҳолаш якуни бўйича пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг ўз маблағлари, шу жумладан пенсия ёки нафақа ҳисобидан Марказ томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш учун тўлашга етарли маблағлар мавжудлиги аниқланса, ушбу шахс билан пуллик хизмат кўрсатиш муқаддам тузилган шартномага мувофиқ давом эттирилади.

74. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахснинг маблағлари, шу жумладан пенсия ёки нафақа ҳисобидан Марказ томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш учун тўлашга етарли маблағлар мавжуд эмаслиги аниқланса, қонунчиликда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилади.

75. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни уларнинг вафот этганлиги муносабати билан Марказдан чиқаришда Марказ пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларнинг яқин қариндошларига, хусусан сўнгги маротаба ушбу шахсдан хабар олган қариндошига мобиль алоқа воситалари орқали боғланган ҳолда ушбу шахсларнинг вафот этганлиги ва уларни олиб кетиш лозимлиги ҳақида хабардор қилади ҳамда вафот этган шахснинг жасадини белгиланган тартибда сақлаш ва дафн этиш чораларини кўради.

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларнинг яқин қариндошлари, хусусан сўнгги маротаба ушбу шахсдан хабар олган қариндоши белгиланган тартибда хабардор қилинганидан кейин бир кун ичида Марказга келмаган тақдирда ёки Марказга келмасликлари ҳақида хабар қилмаган тақдирда, ушбу шахслар Марказ томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда Марказлар фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан дафн этилади ҳамда бу тўғрисида тегишли буйруқ қабул қилинади. Ушбу буйруқ вафот этган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсни Марказдан чиқариш учун асос ҳисобланади.

Бунда Марказлар томонидан пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларни дафн қилиш учун қилинган харажатлар ушбу шахсларнинг меросхўрларидан қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

76. Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар вафот этганлиги муносабати билан Марказдан чиқарилганида, улар ёки уларнинг қонуний вакиллари билан тузилган шартномага мувофиқ тўланган, бироқ амалда кўрсатилмаган ижтимоий ва реабилитация хизматлари учун тўловлар пуллик хизмат кўрсатиладиган шахсларнинг меросхўрларига қонунчиликка мувофиқ қайтариб берилади.

Пуллик хизмат кўрсатиладиган шахслар ёки уларнинг вакиллари бўйича тузилган шартномалар бўйича кўрсатилган ижтимоий ва реабилитация хизматлари учун Марказга тўланмаган тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

77. Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга мазкур Низомнинг 3-бобида назарда тутилган ижтимоий ва реабилитация хизматлари ушбу хизматларни кўрсатиш бўйича белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилади.

78. Марказларда ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга хизмат кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикасининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шароитлар яратилади.

Марказларнинг хоналарини жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш техника хавфсизлиги қоидаларига ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

79. Марказга жойлаштирилган шахсларга ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш сифати, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя қилиш ҳамда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан назорат Агентлик ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси томонидан амалга оширилади.

80. Марказлар ходимлари ва унга жойлаштирилган ёки унинг хизматларидан фойдаланаётган шахслар ўртасидаги муносабатлар Марказлар томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидалар билан тартибга солинади.

81. Марказга жойлаштириш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш якуни бўйича мурожаат қилувчиларни мобиль алоқа воситалари орқали хабардор қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, мурожаат қилувчилар ижтимоий ходимлар орқали хабардор қилиниши мумкин.

82. Марказга жойлаштирилган доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар ўзларининг хоҳишига кўра ёки яқин қариндошларининг ёзма илтимосномаларига мувофиқ ҳеч қандай чекловларсиз бир йил давомида бир неча маротаба Марказдан ташқарига чиқишлари мумкин.

Бунда доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахсларнинг Марказдан ҳар бир ташқарига чиқишининг давомийлиги кўпи билан икки ойдан ошмаслиги лозим.

83. Доимий яшовчи тоифасига кирувчи шахслар озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал, ашёвий таъминотнинг бошқа буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги келишилган нормаларга мувофиқ таъминланади.

84. Марказлар томонидан уларга ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни сарфлаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

85. Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва «Инсон» марказлари ўзгалар парваришига муҳтож шахсларни Марказларга жойлаштириш ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож шахсни бир Марказдан бошқасига ўтказиш ёки ижтимоий ва реабилитация хизматларини кўрсатиш жараёнида олинган шахсга доир маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

86. Ўзгалар парваришига муҳтож шахс ёки уларнинг қонуний вакиллари Марказларга жойлаштириш, ижтимоий ва реабилитация хизматидан фойдаланиш жараёнида Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари, «Инсон» марказ-

лари ва Марказлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

87. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 майдаги 316-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 9 мартдаги 190-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2021 йил 12 июндаги 366-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарорига 12-илованинг 70-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга 2 ва 3-иловалар.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING BUYRUG‘I

### 177 Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestridan foydalanishga ruxsat etiladigan shaxslar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3514*

O‘zbekiston Respublikasining “Psixiatriya yordami to‘g‘risida”gi Qonuni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-fevraldagi PQ–75-son “Qonunlarning ijtimoiy munosabatlarni tartibga solishdagi rolini hamda norma ijodkorligi jarayoni sifatini yanada oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestridan foydalanishga ruxsat etiladigan shaxslar ro‘yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 15-may,
11-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 31-mayda e’lon qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi
sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 15-maydagi
11-son buyrug‘iga
ILOVA

**Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestridan foydalanishga ruxsat etiladigan shaxslarning**
**RO‘YXATI**

1. Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestri administratorlari:

1) Respublika ixtisoslashtirilgan ruhiy salomatlik ilmiy-amaliy tibbiy markazi direktori;

2) Respublika ixtisoslashtirilgan ruhiy salomatlik ilmiy-amaliy tibbiy markazi direktori o‘rinbosarlari;

3) Respublika ixtisoslashtirilgan ruhiy salomatlik ilmiy-amaliy tibbiy markazining Tashkiliy-uslubiy bo‘limi mudiri;

Bunda, administratorlarga ushbu yagona elektron reyestrdagi barcha ma’lumotlarni ko‘rish va ko‘chirib olish, tahlil qilish, davlat psixiatriya muassasalari xodimlariga kirish imkonipyatini berish yoki ta’qiqlash vakolati beriladi.

2. Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestri foydalanuvchilari:

1) Davlat psixiatriya muassasalari bosh shifokorlari;

2) Davlat psixiatriya muassasalari ambulator tizimi shifokor psixiatrlari va tuman (shahar) tibbiyot birlashmalari shifokor psixiatrlari;

3) Davlat psixiatriya muassasalari tibbiy statistlari;

Bunda, foydalanuvchilarga ushbu yagona elektron reyestrdagi barcha ma’lumotlarni ko‘rish va ko‘chirib olish, tahlil qilish hamda ma’lumotlar kiritish imkoniyati beriladi, shuningdek, davlat psixiatriya muassasalari bosh shifokorlariga mazkur muassasalarning xodimlariga kirish imkoniyatini berish yoki ta’qiqlash vakolati beriladi.

3. Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestri kuzatuvchilari:

1) O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi Tibbiy yordamni tashkillashtirish departamenti boshlig‘i, Ixtisoslashgan va statsionar tibbiy yordam bo‘limining boshlig‘i va Statistika va samaradorlikni baholash bo‘limining boshlig‘i;

2) O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining ruhiy salomatlik masalalari bo‘yicha bosh mutaxassislari va konsultantlari;

3) Davlat psixiatriya muassasalari statsionar bo‘limlari shifokor psixiatrlari, davlat psixiatriya muassasalari tibbiy ro‘yxatchi va arxiv xodimlari;

Bunda, kuzatuvchilarga ushbu yagona elektron reyestrdagi barcha ma’lumotlarni ko‘rish va ko‘chirib olish, tahlil qilish imkoniyati beriladi.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGINING
QARORI

## 178 Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 29-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3515*

O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrdagi PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 11-maydagi PF–134-son “2022 — 2026-yillarda maktab ta’limini rivojlantirish bo‘yicha milliy dasturni tasdiqlash to‘g‘risida”gi Farmoni va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 3-iyuldagi PQ-200-son “Ma’muriy islohotlar doirasida oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar sohasida davlat boshqaruvini samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi hamda Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi **qaror qiladi:**

1. Xorijiy tillar va umumta’lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro‘yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Xorijiy tillarni o‘rganishni ommalashtirish agentligi va Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta’lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasining 2021-yil 31-avgustdagi 1-mh va 23-mh-son “Xorijiy tillarni bilish darajasini baholovchi xalqaro tan olingan sertifikatlarning ro‘yxatini hamda xorijiy tillarni bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar o‘rtasidagi muvofiqlik darajasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3318, 2021-yil 7-sentabr) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 07.09.2021-y., 10/21/3318/0850-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

4. Mazkur qaror rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

Ushbu qaror ilovasining 3 bobi rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran ikki oydan keyin kuchga kiradi.

**Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri** **K. ShARIPOV**

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 29-mayda e’lon qilingan.

Toshkent sh.,
2024-yil 4-aprel,
4-q/q-son

**Maktabgacha va maktab ta'lim vaziri** **X. UMAROVA**

Toshkent sh.,
2024-yil 2-aprel,
3-mh-son

*Kelishildi:*

*Iqtisodiyot va moliya vaziri* *D. KUChKAROV*

*2024-yil 19-mart*

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligining
2024-yil 4-apreldagi 4-q/q-son va Maktabgacha
va maktab ta'limi vazirligining 2024-yil
2-apreldagi 3-mh-son qaroriga
ILOVA

## Xorijiy tillar va umumta'lim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar RO'YXATI

## 1-bob. Xorijiy tillarni bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ro'yxati hamda ularning muvofiqlik DARAJASI

| T/r | Milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar nomi | Muvofiqlik darajalari Common European Framework of Reference (CEFR) shkalasi bo'yicha | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | A1 | A2 | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **INGLIZ TILI** | | | | | | | |
| 1. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 2. | Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT | | | 42 — 71 | 72 — 94 | 95 — 113 | 114 — 120 |
| 3. | Test of English as a Foreign Language (TOEFL iTP) | | 343 Listening 38 Written 32 Reading 33 | 433 Listening 46 Written 43 Reading 41 | 543 Listening 55 Written 53 Reading 55 | 620 Listening 62 Written 64 Reading 60 | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Speaking 41 | Speaking 48 | Speaking 58 | Speaking 64 | |
| 4. | Cambridge Assessment English (KET, PET, FCE, CAE, CPE) | | KET 120 — 139 | PET 140 — 159 | FCE 160 — 179 | CAE 180 — 199 | CPE 200 — 220 |
| 5. | International English Language Testing System — IELTS (Academic) | 2.0 | 3.0 | 4.0-5.0 | 5.5-6.5 | 7.0-8.0 | 8.5-9.0 |
| 6. | International Test of English Proficiency iTEP Academic — Plus | A1 | A2 | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **FRANSUZ TILI** | | | | | | | |
| 7. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 8. | Diplфme d'Etudes en Langue Franзaise (DELF) | | | B1 | B2 | | |
| 9. | Diplфme Approfondi de Langue Franзaise (DALF) | | | | | S1 | C2 |
| 10. | Test de Connaissance du Franзais (TCF) | A1 | A2 | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **NEMIS TILI** | | | | | | | |
| 11. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 12. | Goethe-Zertifikat | A1 | A2 | B1 | B2 | C1 | C2 |
| 13. | Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) | | | | TDN 3 (B2.1) TDN 4 (B2.2 — C1.1) | TDN 5 (C1.2) | |
| 14. | Deutsches Sprachdiplom (DSD I, II) | | | DSD I B1 | DSD II B2 | DSD II C1 | |
| **ISPAN TILI** | | | | | | | |
| 15. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 16. | Diplomas de Espacol como Lengua Extranjera (DELE) | | | DELE B1 | DELE B2 | DELE C1 | DELE C2 |
| 17. | Servicio Internacional de Evaluaciyn de la Lengua Espacola (SIELE) | | | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **ITAL'YaN TILI** | | | | | | | |
| 18. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 19. | Certificato di Conoscenza della Lingua Italiana (CELI) | | | CELI 2 | CELI 3 | CELI 4 | CELI 5 |
| 20. | Certificazione di Italiano come Lingua Straniera (CILS) | | | CILS Uno | CILS Due | CILS Tre | CILS Quattro |
| **ARAB TILI** | | | | | | | |
| 21. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | | B1 | B2 | C1 | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | | | | |
| 22. | AT Tanal Al Arabi | | | B1 | B2 | C1 | C2 |
| | **XITOY TILI** | | | | | | |
| 23. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 24. | Nanyu Shuiping Kaoshi (NSK) | | | NSK 3 | NSK 4 | NSK 5 | NSK 6 |
| | **YaPON TILI** | | | | | | |
| 25. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| | **KOREYS TILI** | | | | | | |
| 26. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 27. | Test of Proficiency in Korean (TOPIK II) | | | Level 3 120 — 149 | Level 4 150 — 189 | Level 5 190 — 229 | Level 6 230 — 300 |
| | **TURK TILI** | | | | | | |
| 28. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |
| 29. | Тьrkзe Yeterlik Snav (TYS) | | | | B2 | C1 | |
| | **PUShTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG'UR, FORS TILLARI** | | | | | | |
| 30. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat (Bilim va malakalarni baholash agentligi) | | | B1 | B2 | C1 | |

*Izoh:*

*1) ta'lim sohasida xizmat ko'rsatuvchi vakolatli xalqaro tashkilotlarning rasmiy ro'yxatidan o'tgan test markazlariga (authorized test centers) tashrif buyurmasdan, tashkilot vakillarining bevosita nazorati ostida topshirmasdan, masofadan (Remote, Nome Edition va boshqa turlari) olingan sertifikatlarga imtiyoz va ustamalar qo'llanilmaydi;*

*2) amal qilish muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko'p bo'lmagan vaqt mobaynida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda imtiyoz va ustamalar qo'llaniladi;*

*3) mazkur qaror kuchga kirgunga qadar amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq olingan sertifikatlarga ularning olingan kunidan boshlab amal qilish muddati tugagunga (muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko'p bo'lmagan vaqt mobaynida) qadar imtiyoz va ustamalar qo'llaniladi;*

## 2-bob. O‘rta maxsus, professional, oliy va oliy ta’limdan keyingi ta’limga kirishda tan olinadigan xorijiy tillarni bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro sertifikatlar RO‘YXATI

| T/r | Sertifikatlar nomi | Muvofiqlik darajalari | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Common European Framework of Reference (CEFR) shkalasi bo‘yicha | | | |
| | | **B1** | **B2** | **C1** | **C2** |
| **O‘rta maxsus, professional ta’limi uchun** | | | | | |
| **INGLIZ TILI** | | | | | |
| 1. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 2. | Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT | 42 — 71 | 72 — 94 | 95 — 113 | 114 — 120 |
| 3. | Cambridge Assessment English (PET, FCE, CAE, CPE) | PET 140 — 159 | FCE 160 — 179 | CAE 180 — 199 | CPE 200 — 220 |
| 4. | International English Language Testing System — IELTS (Academic) | 5.0 | 5.5-6.5 | 7.0-8.0 | 8.5-9.0 |
| **FRANSUZ TILI** | | | | | |
| 5. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 6. | Diplфme d’Etudes en Langue Franзaise (DELF) | B1 | B2 | | |
| 7. | Diplфme Approfondi de Langue Franзaise (DALF) | | | S1 | C2 |
| 8. | Test de Connaissance du Franзais (TCF) | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **NEMIS TILI** | | | | | |
| 9. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 10. | Goethe-Zertifikat | B1 | B2 | C1 | C2 |
| 11. | Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) | | TDN 3 (B2.1), TDN 4 (B2.2 — C1.1) | TDN 5 (C1.2) | |
| 12. | Deutsches Sprachdiplom (DSD I, II) | DSD I B1 | DSD II B2 | DSD II C1 | |
| **ISPAN TILI** | | | | | |
| 13. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 14. | Diplomas de Espacol como Lengua Extranjera (DELE) | | DELE B2 | DELE C1 | DELE C2 |
| 15. | Servicio Internacional de Evaluaciyn de la Lengua Espacola (SIELE) | | B2 | C1 | C2 |
| **ITAL’YaN TILI** | | | | | |
| 16. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 17. | Certificato di Conoscenza della Lingua Italiana (CELI) | CELI 2 | CELI 3 | CELI 4 | CELI 5 |
| 18. | Certificazione di Italiano come Lingua Straniera (CILS) | CILS Uno | CILS Due | CILS Tre | CILS Quattro |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **ARAB TILI** | | | | | |
| 19. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 20. | AT Tanal Al Arabi | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **XITOY TILI** | | | | | |
| 21. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 22. | Nanyu Shuiping Kaoshi (NSK) | NSK 3 | NSK 4 | NSK 5 | NSK 6 |
| **YaPON TILI** | | | | | |
| 23. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| **KOREYS TILI** | | | | | |
| 24. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 25. | Test of Proficiency in Korean (TOPIK II) | Level 3 120 — 149 | Level 4 150 — 189 | Level 5 190 — 229 | Level 6 230 — 300 |
| **TURK TILI** | | | | | |
| 26. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 27. | Tыrkзe Yeterlik Snav (TYS) | B1 | B2 | C1 | |
| **PUShTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG‘UR, FORS TILLARI** | | | | | |
| 28. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| **Bakalavriat ta’lim yo‘nalishi uchun** | | | | | |
| **INGLIZ TILI** | | | | | |
| 29. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 30. | Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT | | 72 — 94 | 95 — 113 | 114 — 120 |
| 31. | Cambridge Assessment English (FCE, CAE, CPE) | | FCE 160 — 179 | CAE 180 — 199 | CPE 200 — 220 |
| 32. | International English Language Testing System — IELTS (Academic) | | 5.5-6.5 | 7.0-8.0 | 8.5-9.0 |
| **FRANSUZ TILI** | | | | | |
| 33. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 34. | Diplфme d’Etudes en Langue Franзaise (DELF) | | B2 | | |
| 35. | Diplфme Approfondi de Langue Franзaise (DALF) | | | S1 | C2 |
| **NEMIS TILI** | | | | | |
| 36. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 37. | Goethe-Zertifikat | | B2 | C1 | C2 |
| 38. | Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) | | TDN 3 (B2.1), TDN 4 (B2.2 — C1.1) | TDN 5 (C1.2) | |
| 39. | Deutsches Sprachdiplom (DSD II) | | DSD II B2 | DSD II C1 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **ISPAN TILI** | | | | | |
| 40. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 41. | Diplomas de Espacol como Lengua Extranjera (DELE) | | DELE B2 | DELE C1 | DELE C2 |
| 42. | Servicio Internacional de Evaluaciyn de la Lengua Espacola (SIELE) | | B2 | C1 | C2 |
| **ITAL'YaN TILI** | | | | | |
| 43. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| **ARAB TILI** | | | | | |
| 44. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 45. | AT Tanal Al Arabi | | B2 | C1 | C2 |
| **XITOY TILI** | | | | | |
| 46. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 47. | Nanyu Shuiping Kaoshi (NSK) | | NSK 4 | NSK 5 | NSK 6 |
| **YaPON TILI** | | | | | |
| 48. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| **KOREYS TILI** | | | | | |
| 49. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 50. | Test of Proficiency in Korean (TOPIK II) | | Level 4 150 — 189 | Level 5 190 — 229 | Level 6 230 — 300 |
| **TURK TILI** | | | | | |
| 51. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| 52. | Tьrkзe Yeterlik Snav (TYS) | | B2 | C1 | |
| **PUShTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG'UR, FORS TILLARI** | | | | | |
| 53. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | | B2 | C1 | |
| **Magistratura mutaxassisligi va oliy ta'limdan keyingi ta'lim uchun** | | | | | |
| **INGLIZ TILI** | | | | | |
| 54. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 55. | Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT | 42 — 71 | 72 — 94 | 95 — 113 | 114 — 120 |
| 56. | Test of English as a Foreign Language (TOEFL iTP) | 433 Listening 46 Written 43 Reading 41 Speaking 48 | 543 Listening 55 Written 53 Reading 55 Speaking 58 | 620 Listening 62 Written 64 Reading 60 Speaking 64 | |
| 57. | Cambridge Assessment English (FCE, CAE, CPE) | PET 140 — 159 | FCE 160 — 179 | CAE 180 — 199 | CPE 200 — 220 |
| 58. | International English Language Testing System — IELTS (Academic) | 4.0-5.0 | 5.5-6.5 | 7.0-8.0 | 8.5-9.0 |
| 59. | International Test of English Proficiency iTEP Academic — Plus | B1 | B2 | C1 | C2 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **FRANSUZ TILI** | | | | | |
| 60. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | V1 | B2 | C1 | |
| 61. | Diplфme d'Etudes en Langue Franзaise (DELF) | V1 | B2 | | |
| 62. | Diplфme Approfondi de Langue Franзaise (DALF) | | | S1 | C2 |
| **NEMIS TILI** | | | | | |
| 63. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | V1 | B2 | C1 | |
| 64. | Goethe-Zertifikat | V1 | B2 | C1 | C2 |
| 65. | Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) | | TDN 3 (B2.1), TDN 4 (B2.2 — C1.1) | TDN 5 (C1.2) | |
| **ISPAN TILI** | | | | | |
| 66. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 67. | Diplomas de Espacol como Lengua Extranjera (DELE) | DELE B1 | DELE B2 | DELE C1 | DELE C2 |
| 68. | Servicio Internacional de Evaluaciyn de la Lengua Espacola (SIELE) | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **ITAL'YaN TILI** | | | | | |
| 69. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| **ARAB TILI** | | | | | |
| 70. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 71. | AT Tanal Al Arabi | B1 | B2 | C1 | C2 |
| **XITOY TILI** | | | | | |
| 72. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 73. | Nanyu Shuiping Kaoshi (NSK) | NSK 3 | NSK 4 | NSK 5 | NSK 6 |
| **YaPON TILI** | | | | | |
| 74. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| **KOREYS TILI** | | | | | |
| 75. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 76. | Test of Proficiency in Korean (TOPIK II) | Level 3 120 — 149 | Level 4 150 — 189 | Level 5 190 — 229 | Level 6 230 — 300 |
| **TURK TILI** | | | | | |
| 77. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |
| 78. | Tъrkзe Yeterlik Snav (TYS) | | B2 | C1 | |
| **PUShTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG'R, FORS TILLARI** | | | | | |
| 79. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B1 | B2 | C1 | |

*Izoh:*

*1) amal qilish muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko'p bo'lmagan vaqt mobaynida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda imtiyoz qo'llaniladi;*

*2) mazkur qaror kuchga kirgunga qadar amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq olingan sertifikatlarga ularning olingan kunidan boshlab amal qilish muddati tugagunga (muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko‘p bo‘lmagan vaqt mobaynida) qadar imtiyoz qo‘llaniladi.*

## 3-bob. Umumiy o‘rta, o‘rta maxsus, professional va oliy ta’lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagog xodimlarga ustama belgilashda qo‘llaniladigan xorijiy tillarni bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar RO‘YXATI

| T/r | Sertifikat nomi | Muvofiqlik darajalari<br>Common European Framework of Reference (CEFR) shkalasi bo‘yicha | | |
|---|---|---|---|---|
| | | B2* | C1 | C2 |
| | **INGLIZ TILI** | | | |
| 1. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 2. | Test of English as a Foreign Language — TOEFL iBT | 72 — 94 | 95 — 113 | 114 — 120 |
| 3. | Test of English as a Foreign Language (TOEFL iTP) | 543<br>Listening<br>55<br>Written<br>53<br>Reading<br>55<br>Speaking<br>58 | 620<br>Listening<br>62<br>Written<br>64<br>Reading<br>60<br>Speaking<br>64 | |
| 4. | Cambridge Assessment English (FCE, CAE, CPE) | FCE<br>160 — 179 | CAE<br>180 — 199 | CPE<br>200 — 220 |
| 5. | International English Language Testing System — IELTS (Academic) | 5.5-6.5 | 7.0-8.0 | 8.5-9.0 |
| 6. | TKT** | | | |
| | Modul 1 | | kamida 3 band | |
| | Modul 2 | | kamida 3 band | |
| | Modul 3 | | kamida 3 band | |
| 7. | Teaching English for Speakers of Other Languages (TESOL)** | | pass | |
| 8. | Teaching English as a Foreign Language (TEFL)** | | pass | |
| 9. | Teaching English as a Second Language (TESL)** | | pass | |
| | **FRANSUZ TILI** | | | |
| 10. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 11. | Diplфme d’Etudes en Langue Franзaise (DELF) | B2 | | |
| 12. | Diplфme Approfondi de Langue Franзaise (DALF) | | S1 | C2 |
| 13. | Test de Connaissance du Franзais (TCF) | B2 | C1 | C2 |
| | **NEMIS TILI** | | | |
| 14. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo‘yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 15. | Goethe-Zertifikat | B2 | C1 | C2 |
| 16. | Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) | TDN 3 (B2.1), TDN 4 (B2.2 — C1.1) | TDN 5 (C1.2) | |
| 17. | Deutsches Sprachdiplom (DSD I, II) | DSD II B2 | DSD II C1 | |
| **ISPAN TILI** | | | | |
| 18. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 19. | Diplomas de Espacol como Lengua Extranjera (DELE) | DELE B2 | DELE C1 | DELE C2 |
| 20. | Servicio Internacional de Evaluaciyn de la Lengua Espacola (SIELE) | B2 | C1 | C2 |
| **ITAL'YaN TILI** | | | | |
| 21. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| **ARAB TILI** | | | | |
| 22. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 23. | AT Tanal Al Arabi | B2 | C1 | C2 |
| **XITOY TILI** | | | | |
| 24. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 25. | Nanyu Shuiping Kaoshi (NSK) | NSK 4 | NSK 5 | NSK 6 |
| **YaPON TILI** | | | | |
| 26. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| **KOREYS TILI** | | | | |
| 27. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 28. | Test of Proficiency in Korean (TOPIK II) | Level 4 150 — 189 | Level 5 190 — 229 | Level 6 230 — 300 |
| **TURK TILI** | | | | |
| 29. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |
| 30. | Tьrkзe Yeterlik Snav (TYS) | B2 | C1 | |
| **PUShTU, DARIY, URDU, HINDIY, UYG'UR, FORS tillari** | | | | |
| 31. | Chet tilini bilish darajasini aniqlash bo'yicha milliy sertifikat | B2 | C1 | |

*Izoh:*

*1) ta'lim tashkilotlarida ayrim maxsus fanlardan o'quv mashg'ulotlarini olib borayotgan pedagog xodimlarning lavozim maoshlariga belgilangan tartibda ustamalar beriladi;*

*2) umumiy o'rta, o'rta maxsus va professional ta'lim tashkilotlarining kamida C1 darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikatga ega chet (ingliz, fransuz, nemis, ispan, italyan, arab, xitoy, yapon, koreys, turk, fors, pushtu, dari, urdu, hind) tili fani o'qituvchilariga navbatdagi majburiy attestatsiyada mutaxassislik fani va kasb standarti bo'yicha bilim darajasini aniqlash hamda o'quv fani bo'yicha malaka sinovidan maksimal 80 ball beriladi hamda ular ushbu malaka sinovidan ozod etiladi;*

*3) oliy ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagog xodimlarga ustama*

*belgilashda qo‘llaniladigan xorijiy tillarni bilish darajasini baholovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar ularning mashg‘ulot olib boruvchi faniga mos bo‘lishi lozim;*

*4) amal qilish muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko‘p bo‘lmagan vaqt mobaynida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda ustama qo‘llaniladi;*

*5) *umumiy o‘rta ta’lim muassasalariga xorijiy tillar o‘qituvchilari lavozimlariga ishga yangi qabul qilinayotgan talabgor kamida B2 darajadagi milliy yoki unga tenglashtirilgan mos darajadagi sertifikatga ega bo‘lishi lozim;*

*6) mazkur qaror kuchga kirgunga qadar amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq olingan sertifikatlarga ularning olingan kunidan boshlab amal qilish muddati tugagunga (muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yildan ko‘p bo‘lmagan vaqt mobaynida) qadar ustamalar qo‘llaniladi.*

*** Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi tizimidagi pedagoglardan Teaching Knowledge Test (TKT), Teaching English for Speakers of Other Languages (TESOL), Teaching English as a Foreign Language (TEFL), Teaching English as a Second Language (TESL) sertifikatlari Common European Framework of Reference (CEFR) tizimining B2 sertifikati bilan birgalikda qabul qilinadi va Maktabgacha va maktab ta’limi vazirligi tizimidagi pedagoglari uchun ustama belgilangan tartibda to‘lanadi.*

*Barcha Teaching English for Speakers of Other Languages (TESOL), Teaching English as a Foreign Language (TEFL), Teaching English as a Second Language (TESL) sertifikatlari o‘qituvchi (trener) bilan kamida 100 kontakt soat shug‘ullanishi va kamida 40 soatlik o‘qituvchi-pedagogik amaliyotini qamrab olishi, bunda amaliyot qismi instruktor tomonidan kuzatilib baholanishi zarur.*

## 4-bob. Umumiy o‘rta, o‘rta maxsus va professional ta’lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagog xodimlarga ustama belgilashda qo‘llaniladigan umumta’lim fanlari bo‘yicha milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar RO‘YXATI

| T/r | Xalqaro va milliy sertifikatlar | | |
|---|---|---|---|
| | **Sertifikat nomi** | **Ustama olish uchun sertifikatlarning eng kam darajasi (ball)** | **Sertifikatning turi (xalqaro/ milliy)** |
| **ANIQ FANLAR** | | | |
| **Matematika** | | | |
| 1. | The Graduate Record Examination Subject test (GRE[1]) (Quantitative Reasoning) | 700 | Xalqaro |
| 2. | The Graduate Record Examination General test (GRE[1]) (Quantitative Reasoning) | 160 | |
| 3. | Graduate Management Admission Test (GMAT/GMAT Focus)[2] (Quantitative Reasoning) | 37*/80 | |
| 4. | Digital Scholastic Assessment Test (Digital SAT)[3] | 700 | |
| 5. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |
| 6. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat (boshlang‘ich ta’lim uchun)[4] | 60*/C | |
| **Informatika** | | | |
| 7. | Microsoft Certified Educator (MCE) | umumiy balning 80%*/860 | Xalqaro |
| 8. | Astrum Certified IT Educator | umumiy balning 80%*/103 | Milliy |
| **Geografiya** | | | |
| 9. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |
| **TABIIY FANLAR** | | | |
| **Fizika** | | | |
| 10. | The Graduate Record Examination Subject test (GRE) | 700 | Xalqaro |
| 11. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |
| **Biologiya** | | | |
| 12. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |
| **Kimyo** | | | |
| 13. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **IJTIMOIY FANLAR** | | | |
| **Tarix** | | | |
| 14. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | 80*/B+ | Milliy |
| **FILOLOGIYA FANLARI** | | | |
| **Ona tili va adabiyot** | | | |
| 15. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat (o'zbek tili va adabiyot, rus tili va adabiyot, qoraqalpoq tili va adabiyot)[5] | 80*/B+ | Milliy |
| 16. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat (o'zbek tili va adabiyot, rus tili va adabiyot, qoraqalpoq tili va adabiyot (boshlang'ich ta'lim uchun)[6]) | 60*/C | Milliy |
| **Rus tili** | | | |
| 17. | Test po russkomu yaziku kak inostrannomu (TRKI)[7] | C1 | Xalqaro |

*Izoh:*

*1) The Graduate Record Examination (GRE) sertifikatida faqat Quantitative Reasoning qismi bo'yicha to'plangan ballar inobatga olinadi;*

*2) Graduate Management Admission Test (GMAT / GMAT Focus) sertifikatida faqat Quantitative Reasoning qismi bo'yicha to'plangan ballar inobatga olinadi;*

*3) Digital Scholastic Assessment Test (Digital SAT) sertifikatida faqat matematika (math) qismi bo'yicha to'plangan ballar inobatga olinadi;*

*4) Umumiy o'rta ta'lim maktablarida boshlang'ich sinflarda dars beruvchi pedagoglarning matematika fanidan olingan sertifikatlari aynan shu fandagi dars soatlari uchun amal qiladi;*

*5) Ushbu sertifikatlar quyidagi pedagoglar uchun amal qiladi:*

*O'zbek tili va adabiyot fani sertifikatini olgan ona tili va adabiyoti hamda o'zbek tili (davlat tili) fanidan dars beruvchi pedagoglar uchun;*

*rus tili va adabiyoti fani sertifikatini olgan milliy hamda rus tili sinflarida dars beruvchi pedagoglar uchun;*

*qoraqalpoq tili va adabiyot fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikatga ega qoraqalpoq tili va adabiyoti hamda qoraqalpoq tili (davlat tili) fanidan dars beruvchi pedagoglar uchun;*

*6) umumiy o'rta ta'lim maktablarida boshlang'ich sinflarda dars beruvchi pedagoglarning o'zbek tili va adabiyot, rus tili va adabiyot, qoraqalpoq tili va adabiyot fanidan olingan sertifikatlari aynan shu fandagi dars soatlari uchun amal qiladi;*

*7) "test po russkomu yaziku kak inostrannomu (TRKI)" sertifikati ta'lim tili rus tili bo'lmagan sinflarda dars beruvchi rus tili fani pedagoglari uchun amal qiladi;*

*8) umumiy o'rta, o'rta maxsus va professional ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan o'qituvchilarga (shu jumladan, soatbay, o'rindosh, stajor o'qituvchi, direktor va direktor o'rinbosarlari) o'zi dars beradigan fani bo'yicha sertifikatga ega pedagog xodimlarga har oylik qo'shimcha ustama to'lash nazarda tutilgan;*

*9) amal qilish muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yil davomida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda imtiyoz va ustama qo'llaniladi;*

*10) mazkur qaror kuchga kirgunga qadar amaldagi normativ-huquqiy hujjatlarga muvofiq olingan sertifikatlarga ularning olingan kunidan boshlab amal qilish*

*muddati tugagunga (muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yil) qadar imtiyoz va ustamalar qo'llaniladi;*

*11) * mazkur ballar ushbu qaror kuchga kirgunga qadar olingan sertifikatlar uchun amal qiladi.*

## 5-bob. Oliy ta'lim muassasalarining bakalavriat ta'lim yo'nalishlariga o'qishga kirishda imtiyoz beradigan umumta'lim fanlari bo'yicha milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar RO'YXATI

| T/r | Milliy sertifikatlar | | Xalqaro sertifikatlar | |
|---|---|---|---|---|
| | Sertifikat nomi | Beriladigan imtiyoz | Sertifikat nomi | Beriladigan imtiyoz |
| | | **MATEMATIKA** | | |
| 1. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**), Majburiy fan bo'yicha belgilangan eng yuqori ball | Cambridge International A-LEVEL (Mathematics — 9709) | Maksimal ball: A, A* Majburiy fan bo'yicha belgilangan eng yuqori ball |
| | | **FIZIKA** | | |
| 2. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**) | Cambridge International A-LEVEL (Physics — 9702) | Maksimal ball: A, A* |
| | | **KIMYo** | | |
| 3. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**) | Cambridge International A-LEVEL (Chemistry — 9701) | Maksimal ball: A, A* |
| | | **TARIX** | | |
| 4. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**), Majburiy fan bo'yicha belgilangan eng yuqori ball | | |
| | | **BIOLOGIYA** | | |
| 5. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**) | Cambridge International A-LEVEL (Biology — 9700) | Maksimal ball: A, A* |
| | | **GEOGRAFIYA** | | |
| 6. | Umumta'lim fanini bilish darajasi to'g'risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**) | | |

| ONA TILI VA ADABIYOT (O‘zbek tili va adabiyoti, Rus tili va adabiyoti, Qoraqalpoq tili va adabiyoti) | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 7. | Umumta’lim fanini bilish darajasi to‘g‘risidagi milliy sertifikat | Maksimal ball: A+, A (86 va undan yuqori ball**), Proporsional ball: B+, B, C+, C (60 — 85,9 ball**), Majburiy fan bo‘yicha belgilangan eng yuqori ball | | |

*Izoh:*

*1) amal qilish muddati cheklanmagan (belgilanmagan) sertifikatlar uchun sertifikat olingan kundan boshlab uch yil davomida qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda imtiyoz va ustama qo‘llaniladi;*

*2) ** 2024-yil 1-martga qadar umumta’lim fanlari bo‘yicha berilgan milliy sertifikatlar uchun mazkur sertifikat olingan paytda qo‘llanilgan tartibda imtiyoz tatbiq etiladi.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
## ҚАРОРИ

# 179 Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-4*

Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 февралдаги ЎРҚ–905-сон «Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/23-сон қарори (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.07.2018 й., 10/18/3042/1573-сон) билан тасдиқланган Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-банди еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 22 май,
17/22-сон

*Келишилди:*

***Рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари*** ***О. ПЕКОС***

*2024 йил 24 апрель*

***Савдо-саноат палатаси раиси*** ***Д. ВАХАБОВ***

*2024 йил 23 апрель*

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 30 майда эълон қилинган.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG‘I

## 180 Davlat ro‘yxatidan o‘tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo‘llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, o‘zbekiston respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan analoglari mavjud bo‘lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro‘yxatiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 29-mayda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3440-1*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 26-oktabrdagi PQ–411-son “Aholini sifatli dori vositalari va tibbiy buyumlar bilan ta’minlash yuzasidan qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2023-yil 2-iyundagi 14-son buyrug‘i bilan tasdiqlangan (ro‘yxat raqami 3440, 2023-yil 5-iyun) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 05.06.2023-y., 10/23/3440/0332-son) Davlat ro‘yxatidan o‘tkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qo‘llash va olib kirishga ruxsat beriladigan, O‘zbekiston Respublikasida davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan analoglari mavjud bo‘lmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar ro‘yxatiga ilovaga muvofiq o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil hamda O‘zbekiston Respublikasi Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e’lon qilingan kundan e’tiboran kuchga kiradi.

**Vazir** **A. XUDAYAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 17-may,
13-son

*Kelishildi:*

***Investitsiyalar va tashqi savdo vaziri*** ***L. KUDRATOV***

*2024-yil 14-may*

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 30-mayda e’lon qilingan.

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish boʻyicha vakil* *D. KASIMOV*

*2024-yil 15-may*

*Oʻzbekiston Savdo-sanoat palatasi Raisi* *D. VAXABOV*

*2024-yil 13-may*

Oʻzbekiston Respublikasi
sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 17-maydagi
13-son buyrugʻiga
ILOVA

**Davlat roʻyxatidan oʻtkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qoʻllash va olib kirishga ruxsat beriladigan, Oʻzbekiston Respublikasida davlat roʻyxatidan oʻtkazilgan analoglari mavjud boʻlmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar roʻyxatiga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida**

1-bobda (Dori vositalari roʻyxati):

yigirma toʻrtinchi pozitsiya chiqarib tashlansin;

quyidagi mazmundagi oʻttizinchi — oʻttiz ikkinchi pozitsiyalar bilan toʻldirilsin:

“

| | | |
|---|---|---|
| 30. | Amilnitrit (Amylnitrite) | Ingalatsiya uchun suyuqlik 0,5 ml |
| 31. | Klonazepam (Clonazepam) | Tabletka |
| 32. | Klobazam (Clobazam) | Tabletka |

”.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида МАЪЛУМОТИ

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 15-maydagi 11-son “Dispanser kuzatuvida turgan ruhiy holati buzilgan shaxslarning yagona elektron reyestridan foydalanishga ruxsat etiladigan shaxslar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi buyrugʻi.

***2024-yil 27-mayda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3514.***

2. Oʻzbekiston Respublikasi Oliy taʼlim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 4-apreldagi 4-q/q-son va Maktabgacha va maktab taʼlimi vazirligining 2024-yil 2-apreldagi 3-mh-son “Xorijiy tillar va umumtaʼlim fanlarini bilish darajasini belgilovchi milliy va xalqaro tan olingan sertifikatlar roʻyxatini tasdiqlash toʻgʻrisida”gi qarori.

***2024-yil 29-mayda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3515.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 22 майдаги 17/22-сон “Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори.

***2024 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3042-4.***

4. Oʻzbekiston Respublikasi sogʻliqni saqlash vazirining 2024-yil 17-maydagi 13-son “Davlat roʻyxatidan oʻtkazmasdan, majburiy sertifikatlash sharti bilan tibbiyot amaliyotida qoʻllash va olib kirishga ruxsat beriladigan, Oʻzbekiston Respublikasida davlat roʻyxatidan oʻtkazilgan analoglari mavjud boʻlmagan dori vositalari va tibbiy buyumlar roʻyxatiga oʻzgartirish va qoʻshimchalar kiritish toʻgʻrisida”gi buyrugʻi.

***2024-yil 29-mayda roʻyxatdan oʻtkazildi, roʻyxat raqami 3440-1.***

### *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 31 августдаги 1-мҳ ва 23-мҳ-сон “Хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўйхатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган

сертификатлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3318, 2021 йил 7 сентябрь).

*2024 йил 29 майда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**